

2
Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 31-yanvar, payshanba № 13-14 (3207)

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИДА

Президентимизнинг фармонига биноан Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан тақдирланган самарқандлик зардўз Ҳамида Иноятова миллий хунармандчилигимиз равнақиға фаол ҳисса қўшиб келаётир. У «Хунармандлар маркази»нинг фаол аъзоси. Бетакрор зардўзлик намуналари бир қатор нуфузли танловлар, халқаро кўргазмаларда юксак эътирофға сазовор бўлган.

Суратда: зардўз
Ҳамида Иноятова.

Алишер ИСРОИЛОВ
(ЎЗА) олган сурат




САҲИФАЛАРИМИЗДА

Санъаткорлар уюшмаси



4

«Бу чаман раънолари...»



9

Нурали чавандоз

ёхуд Азиз чавандоз
сулоласи ҳақида



10-11

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий ва миллий тажрибани чуқур таҳлил этиб, 2013 йилнинг 1 февралдан бошлаб республика аҳолисига чет эл валютасини сотишнинг такомиллаштирилган тартиби жорий қилинаётганини хабар қилади.

Ушбу тартиб халқро амалиётда кенг қўлланиладиган, шунингдек, мамлакатимизда ҳам ўз ижобий жиҳатларини кўрсатган жисмоний шахсларга чет эл валютасини халқро тўлов карточкасида фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда сотиш усулини қўллашни кенгайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистонда бундай операциялар 1994 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг йигирмадан ортиқ ваколатли тижорат банки томонидан халқро тўлов карточкалари муомалага чиқарилмоқда ҳамда улардан 233 мингдан ортиқ жисмоний шахслар кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистондаги барча тижорат банклари «VISA International», «MasterCard» ва бошқа нуфузли халқро тўлов тизимларининг тўлақонли аъзоси ҳисобланиб, улар реал вақт режимидаги банкларро тўловларни амалга ошириш имконини берувчи «СВИФТ» халқро тизимига уланган.

Халқро тўлов карточкасида фойдаланиш дунёнинг исталган мамлакатда товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни ўша давлатда муомалада бўлган валютада амалга ошириш бўйича ўз эгасига унинг банк ҳисобварағидаги маблағларни тасарруф этиш имкониятини яратиши билан анча устунликка эга эканлигини кўрсатмоқда. Бунда мазкур ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши нуфузли, умумэтироф этилган халқро тўлов марказлари томонидан қафолатланган.

Шу билан бирга, халқро тўлов карточкаларидан фойдаланиш, нақд валютадан фойдаланишдан фарқли равишда, маблағларнинг хавфсизлиги ва сақлашниши қафолатлайди. Хусусан, тўлов карточкаси йўқолган тақдирда ҳам маблағлар банк ҳисобварағида сақланаверади ҳамда ундан фақат эгасининг ўзи фойдаланиши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, валюта айирбошлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида, 2013 йилнинг 1 февралдан бошлаб ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган барча жисмоний шахсларга чет эл валютасини нақдсиз шаклда, уларнинг шахсий банк пластик карточкасидаги миллий валютани чет эл валютасидаги халқро тўлов карточкасига ўтказиб бериш йўли билан сотиш механизмининг жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Чет эл валютасининг жисмоний шахсларга нақд пулсиз шаклда сотилиши билан боғлиқ барча операциялар ваколатли банкларнинг вилоят, шаҳар ва туман филиалларида очилган ҳамда аҳолига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш бўйича барча зарур техник ускуналар билан таъминланган махсус конверсион операциялар бўлимлари орқали амалга оширилади.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш учун ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлимига фақат куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, яшаш гувоҳномаи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет);
- чет эл валютасини сотиб олиш учун белгиланган шаклдаги ариза;
- валюта айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун банк ҳисобидега етарли миқдордаги миллий валюта мавжуд бўлган шахсий банк пластик карточкаси.

Банкнинг масъул ходимлари тез ва қисқа муддатда ариза берувчи-жисмоний шахснинг хорижда барча ҳисоб-китобларни чекланмаган ҳолда амалга ошириш имконини берувчи халқро тўлов карточкасига чет эл валютасини ўтказиб бериш орқали валюта айирбошлаш операциясини амалга оширишга мажбур.

Мамлакатимиз аҳолиси ва чет эл фуқароларидан чет эл валютасини сотиб олишнинг амалдаги тартиби ўзгармасдан қолади. Яъни, ваколатли банклар аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида, аэропортларда, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар, божхона постларида ҳамда бошқа жамоат жойларидаги айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини чекланмаган миқдорда сотиб олади.

2013 йилнинг 1 февралдан жорий этилаётган чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш тартиби фақат жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган валюта айирбошлаш операцияларига татбиқ этилиб, юридик шахслар учун жорий халқро операцияларни амалга оширишда чет эл валютасини сотиб олишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Кўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига куйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат этиш мумкин: (8 800) 200-00-44, (8 371) 212-60-18.

Таъсисчилар йиғилиши



Истиқбол сари

Кеча ЎЗКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг таъсисчилари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, сиёсий партиялар, халқро ташкилотлар, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Миллий ассоциация таъсисчилари, республикамизнинг етакчи фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда ЎЗННТМнинг 2012 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2013 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалари, жорий йил учун иш режаси, бюджетни тасдиқлаш ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар ўтган даврда ННТларнинг жамоатчилик назорати фаолияти мукаммал йўлга қўйилганини таъкидлашди. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қафолатлаш, жамоат ташкилотлари,

аҳоли бандлиги, тадбиркорлар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан 20 та жамоат ва парламент эшитувларида 750 та ННТ вакиллари қатнашди. Шунингдек, Миллий ассоциация ва ресурс марказлари қошида экспертлар маслаҳати ташкил этилиб, улар ёрдамида бир неча қонунлар нодавлат нотижорат ташкилотлари

иштирокида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

— Мамлакатимизда кечаётган жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда, — деди Миллий ассоциация кенгаши раиси Абдумажид Каримов. — Мазкур соҳада амалга татбиқ этилаётган ислохотлар замирида инсон омили, фуқароларнинг манфаатлари турибди. Шунинининг олиб, ННТларнинг фаолиятини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳадаги иштирокини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**С. АБДУРАҲМОНОВ,
И. ХАСАНОВ олган суратлар**

Уй-жой қурилиши авжида

Айни кунларда «Пистамазор» ҚФЙга қарашли Хитоян массивида 145 та, «Ҳазорбоғ» ҚФЙга қарашли Жаматак қишлоғида 10 та уй-жой қурилиши қизгин давом этмоқда.

— Ҳар икки массивдаги 15 гектар майдонда 15 млрд. 600 млн. сўмлик ишлар бажарилиши кўзда тутилган. Қурилишни «Сурхон-Денов қурилиш» МЧЖ, «Сариосиё капитал инвест» МЧЖ, «Сурхон нурафшон» МЧЖ каби 14 та пудратчи ташкилотнинг моҳир қурувчилари олиб боришарди. Шартномага кўра, туманимиздаги 155 та ёш оила «Наврўз» умумхалқ байрами шодиёналари арафасида янги уй-жойларга кўчиб киришади, — дейди Денов тумани ҳокими Баҳром Маматқулов.

Аҳоли мамнун

Денов туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тасмасой массивида бу борада 84 млн. сўмлик иш бажарилди. Жумладан, 1 та артезиан қудуқ қазилиб, сув миносаси қад ростлади. Янгидан 1,5 километр масофага сув қувури тортилди. Шунингдек, Хитоян массивида 86 млн. сўмлик иш амалга оширилган. Бу ерда ҳам ичимлик сув иншооти, 2 та артезиан қудуғи таъмирланди. 3 километр масофага сув қувури тортилди. Жаматак массивида ҳам 1 та артезиан қудуғи қазилиб, сув миносаси ўрнатилди. 1,6 километр масофага сув қувури ётқизилди. Бунинг учун 81,6 млн. сўм маблағ сарфланди.

— Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида корхонамиз томонидан 217,9 млн. сўмлик реконструкция ишлари олиб борилди. Жумладан, мавжуд 6 та қудуқдаги насос ва двигателлар замонавий ускуналар билан алмаштирилди. 520 метр масофага сув қувурлари тортидик, — дейди Денов туман Сувоқова унитар корхонаси раҳбари А. Эшнӣёзов.

Д. РУСТАМОВ

Сирдарё туманида ногиронларни касб-ҳунарга ўргатиш, малакасини ошириш, уларга мос иш ўринлари яратиш ва фойдали меҳнатга жалб этишга катта эътибор қаратиларди. 2000 нафарга яқин киши Ногиронлар жамияти туман бўлимига аъзо.

Грант асосида

Ўтган йилда улардан 15 нафари сиҳатгоҳларга бепул йўлланма олиб, соғлиқларини тиклашди. 2 киши махсус арава, 18 киши қўлтиктаёқ ва ҳассалар билан таъминланди.

Ногиронлар жамияти туман бўлими Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жами-

ятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фондига лойиҳа тақдим этиб, катта миқдорда грант маблағини қўлга киритди. «Ногиронларга касб-ҳунар ўргатиш маркази» мавзусидаги ушбу лойиҳа доирасида 40 нафар ногиронни тикувчилик, электр ва компьютер оператори каби касбларга

ўргатиш назарда тутилган. Грант маблағи ҳисобига Ногиронлар жамияти туман бўлимига 4 та тикув машинаси, 1 та чок босадиган ускуна, компьютер жамланмаси, электр асбоб-ускуналари ва мебел жиҳозлари келтирилди. Айни кунда 15 нафар ногирон касбга ўқитиларди.

Жамият қошида 1 та фермер хўжалиги, 1 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатарди. Шунингдек, ногирон тадбиркор ҳамда ҳунармандларни жамият аъзолигига жалб этиб, турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилиш эвазига янги иш ўринлари яратилмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Навоий шаҳридаги «Матбуот уйи»да «Ёшлар тарбиясига барчамиз масъулмиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Вилоят прокуратураси бўлими прокурори Қурбон Аҳмедов, вилоят ИИБ ходимлари Ўқтамхўжа Амонов, Нурбаҳодир Мавлонов ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси, адлия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходимлари иштирок этган давра суҳбати барчада чуқур таассурот қолдирди.

М. АЛОВУДИНОВ

Илгари қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут катталиги ҳақида кўп гапирларди, орадаги фарқ қиёсланарди. Бу фарқни бутунлай йўқотиб бўлмайди, албатта. Аммо йиллар бу масалага ҳам ўз тузатишларини киритаётир. Бир пайтлар майда-чуйда нарсалар учун ҳам шаҳарга бориларди. Бугун эса ҳар қандай эҳтиёжга жавоб бера оладиган минимаркетлар кўплаб қишлоқларда бор, айримларида ҳатто икки-учтадан мавжуд.

Навбахор туманида қолипчи нон ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш 2012-2013 йилларга мўлжалланган манзилли Дастурга киритилган эди.

— Туманимизда «Навбахор сервис инвест», «Бешрабат лаззатли нон», «Асқарбек Анвар», «Ижанд келажиги» хусусий фирмаларига тегишли 4 та қолипчи нон ишлаб чиқариш технологияси мавжуд эди, — дейди туман ҳокимлиги иқтисодийёт бўлими бошлиғи Х. Калонов. — Ўтаёт-

ган йилнинг 1 октябридан бошлаб «Мустақиллик» МЧЖга қарашли деҳқон бозорида нон ва нон маҳсулотлари сотадиган савдо шохбчаси иш бошлади.

Кези келганда, туманда фаолият кўрсатиб келаётган «Қалқон жилоси» ҳамда «Мирзамўмин чашмаси» хусусий фирмаларига юқоридаги Дастур асосида ер аж-

ратилганлиги айтиш мумкин бўлганлигини айтиш жоиз. «Олчин» ҚФЙга қарашли «Тошрабат» маҳалласи ҳудудида «Қалқон жилоси» хусусий фирмаси томонидан

Қишлоқда шаҳар нафаси

олиб борилаётган қурилиш ишлари деярли ниҳоясига етиб, сўнгги пардозлаш ишлари давом этаётир. Қишлоқ ўртасида қад ростлаган замонавий бинода минимаркет ҳамда нон цехи фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда.

— Ушбу бино учун 70 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди фирма раҳ-

бари Учқун Турдиев. — 30 миллион сўм кредит олдик. Шу қишлоқ йигитларидан 4 нафари қурилиш ишларини давом эттираяпти. Пойтахтдаги «NTCHNOINTER

FINANS» МЧЖ билан суткасига 600 килограмм унни қайта ишлайдиган технология сотиб олиш учун шартнома имзолаганмиз. Насиб этса, тез кунларда ишни бошлаб, 8 та ишчи ўрни ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз.

«Мирзамўмин чашмаси» хусусий фирмаси томонидан эса «Янгийул» қишлоқ фуқа-

ролар йиғинига қарашли «Ғужбоғтепа» маҳалласида ўзларига ажратилган 8 сотих ерда нон цехи, минимаркет, сартарошхона, гўзаллик салони, дўкон, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш устaxonаси учун қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини кўрдик.

— Бир вақтлар бетартиб қурилган айрим маиший хизмат шохбчалари ўрнида режали равишда бир бутун маҳалла гузари ташкил этилмоқда, — дейди фирма раҳбари Лола Дониёрова. — Уч ойда 50 миллион сўмлик иш бажарилди. Яна 100 миллион сўм кредит олмақчимиз. 50 миллион сўми қурилишни давом эттиришга, қолган ярми эса жиҳозлаш ишларига сарфланади. Шартнома асосида ўзимизнинг маҳалла одамларини ишга жалб этганмиз.

Холида ФАЙЗИЕВА



ДАРОМАДАГА ЯРАША БУРОМАД

Деновликлар Бахтиёр Шеровни яхши билишади. У бир қанча йил банк соҳасида ишлаб, оддий ҳисобчиликдан бошқарувчи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ўз соҳасининг етук мутахассиси. Замона зайли билан фермерликка ҳавас қилиб, 2006 йили тендерда қатнашди. 22 гектар ер олиб, «Нурбек Мирзо Муҳаммад» фермер хўжалигини ташкил этди. Ёшлиги пахтазорда кечган, отасидан, амакиларидан деҳқончилик илмини озми-кўпми ўрганган Бахтиёр қийинчиликларга бардош берди. Асосийси, жамоасига гўза ўстиришнинг ҳадисини олган тажрибали деҳқонларни жалб этди. Боз устига эскирок бўлса-да, хўжаликка тегишли техника мавсум давомида жамоанинг корига яради. Ўтган 6 йил мобайнида хўжалик иқтисодий жиҳатдан оёққа турди, ер майдони кенгайди, галлачилик ва пахтачиликдаги ютуқлари билан тилга тушди.

Айни пайтда «Нурбек Мирзо Муҳаммад» фермер хўжалиги ер майдони 87 гектардан иборат. Доимий ишловчи 23 нафар аъзоси бор. Техникалари сони 8 та. Фалла ва гўза ўстириш жараёнидаги барча юмушларни МТП техникаларидан мадад кутмай, ўз тракторлари билан бажаради. Шу сабаб зироатлар парваришидаги барча агротехник тадбирларда узлишлар йўқ. Бу эса муваффақият омили бўлмоқда. Айниқса, ўтган йилда жамоа аъзолари эришган натижа салмоқли. 35 гектар майдонда парваришланган бугдойнинг «Денов» нави юқори ҳосил берди. Хар гектар майдондан 65 центнердан сара дон йиғиб олинди. Ҳосил бўлиқ бўлгани туфайли давлатга топширилган бугдойнинг ҳаммаси уруғлик учун қабул қилинди. Даромад 78 млн. сўмни ташкил этди. Гўза ўстирилган 52 гектар майдонда ҳам ҳосил мўл бўлди.

Хўжалик аъзолари теримнинг биринчи ҳафтасида шартнома режасидан зиёд оқ олтин топширишди. Давлатга 172 ўрнига 250 тонна хомашё сотилди. Пахтанинг 106 тоннаси уруғликка қабул қилинди. Топширилган хомашёнинг ҳаммаси юқори навларга олинди ва бу муваффақият эвазига жамоа миришкорлари пахтачиликдан 210 млн. сўмдан кўпроқ даромадга эга бўлди. Ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этиб,

шартнома режаси 134 фоизга етказилди. Албатта, бу қадар юқори ҳосил ўз-ўзидан бунёд этилмади. Жамоа механизаторлари Соатмурод Маматалиев, Каромат Алимов, Баҳодир Маҳмудов, Худойберди Жумаев, сувчилар Одил Ҳасанов, Мардон Гўрўғлиев, Ҳусан Ҳасанов, Қобил Хайиталиев ва бошқа аъзоларнинг бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилганликлари кўл келди.

— Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда аъзоларимиз билан тенг равишда таъминотчи ташиқлотлар ходимларининг хизмати ҳам беқиёс, — дейди фермер хўжалиги етакчиси Бахтиёр Шеров.

Жамоа аъзолари 2013 йил ҳосилига ҳам пухта замин ҳозирлашмоқда. Гўзапоядан тозаланган далаларга 800 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит солиниб, сифатли шудгорланди. 40 гектар майдонга бугдойнинг «Денов» нави элита уруғи экилиб, тўлиқ кўкартириб олинди.

Фермер хўжалиги далаларига тонна-тонна табиий ўғит қаердан келаяпти, деган савол туғилади. Жамоа чорвачиликни ривожлантирмоқда. Бахтиёр Шеров деҳқончиликдан топилган даромаддан йил сайин кам-кам сарфлаб, замонавий молхона курди, қишки ва ёзги бостирмалар барпо этди. Бугун фермер хўжалигида 217 бош қорамол парваришланаяпти. Жо-

нворлар учун озукани ҳам ўзлари етиштиришади. Фалладан бўшаган майдонлардан сомон жамғариб, озукани учун маккажўхори, сули ўстиришади. Йилига 8-10 бош мол сотиб, кунжара, шрот харид қилинади.

Фермер бойиса, албатта, ундан одамлар наф кўради. Йил сайин деҳқончилиги бароридан келаётган «Нурбек Мирзо Муҳаммад» фермер хўжалиги «Анбарсой» ҚФЙ таркибидаги «Элобод» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга 12 бош қорамол ҳадя қилди. Қишлоқ йўлларини ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда. 85-умумтаълим мактабига ҳомийлик қилинмоқда. Хўжалик аъзоларининг рўзғори бут. Яқинда илгор механизатор Соатмурод Маматалиевга жамоа даромади ҳисобидан 3 хонали уй қуриб берилди.

— Фермер бўлиб, «Нексия» миндим, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган замонавий уйдан 2 тасини олиб, фарзандларимни уйли-жойли қилдим, — дейди хўжалик раҳбари. — Булар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун беқиёс ғам-хўрлик кўрсатилиб, қатор имтиёзлар бериллаётгани шарофатидан. Шундай экан, биз ҳам қараб турмаслигимиз, фидойилик билан меҳнат қилмоғимиз лозим.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Бахтни ўзимиз яратамиз

Камтарин, хушфеъл бу инсон сокин, хўяли гапирар, унинг ҳаётдан мамнунлиги, эртанги кунга ишончи кўзларида порлаб турарди.

— Ёт юртлардан бахт ва ризқ кидириб юриш, аслида, енгилтақликнинг бир кўриниши, — дейди у. — Ўз юртимиздан қўямасин, ишлайман деганга иш топилади. Отам деҳқон ўтган, шунинг учун ер тўкинчилиги, фаровонлик манбаи эканлигини яхши биламан. Раҳматли дадаимиз Бакирхўжа Муллахўжаев ботиний маданиятли, вазмин табиатли, олийжаноб инсон эди. Хонадонимизда ҳамisha тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурар, волидаи муҳтарамамиз Максудахон ая иккиси аҳил умргузаронлик қилишар, олти нафар фарзанднинг ҳар бирини «сиз»лаб катталар билан гаплашгандек эҳтиёткорона муомалада бўлишар, беҳудага қийийвершмасди.

— Ер меҳнати косангизни оқартиради, — дерди дадам. — Ўқимишли, маънавиятли инсонларнинг кўнгли ҳар доим чароғон бўлади. Дунёнинг баланд-пастини тўғри англайди.

Фарғона туманида жойлашган она қишлоғимиз Хонқиздаги ўрта мактабни битиргач, олий-гоҳда ўқиш ниятимни айтганимда, дадамнинг юзлари ёришиб кетди.

— Сиз бизнинг тўнғич фарзандимизсиз, — деди у. — Тўғри йўлни танлаб, тўғри ҳаракат қилсангиз, қолган ука-сингилларингиз ҳам изингиздан боришади.

Тошкент Давлат чет тиллар институтига ўқишга кирганимда, ота-онам мендан зиёдроқ сўюнишганини кўрганман. Ўқишни тугатгач, қишлоғимиздаги 58-ўрта таълим мактабидан немис тили фани ўқитувчиси сифатида фаолиятимни бошлаганман.

Отамизнинг онамизга қилган муомалаларидан аёлга эҳтиромни ўргандик. Рафиқам Роҳилахон билан узоқ йиллар тотув яшаб, бахт нималигини англадик. Аҳилликда гап кўп. Бундай оилада ўсган болаларнинг бағри бутун, ён-атрофдагиларга меҳр-оқибатли бўлади. Чоғроқина томоркамизда экилмаган сабзавотнинг ўзи йўқ. Боғимизда фарқ пишган сархил мевалар ҳамisha дастурхонимизни обод этган. Мол-ҳол ва парранда-даррандаларимиз ҳам ўзимизга етарли. Элга тўй бериб, орзу-ҳавас кўрдик. Келин тушириб, қиз чикардик.

— Олти нафар ўғил-қизим билан ҳақли равишда фахрланаман, — дейди Алижон ака Бакиржонов. — Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, улар ҳам ўзимиз каби меҳнатқаш, камтарин-камсуқум. Ҳеч бири меҳнатдан қочмайди, шунинг учун ҳам ўзларига тўқ. Зарур бўлса, қишлоқ аҳлининг хизматига камарбаста. «Фалончининг боласи ундок қипти, бундок қипти» десалар, ҳайрон қоламан. Кейин эса барча иллатнинг илдизи тарбияда эканлигини ўйлайман. Ваҳоланки, бола онасидан жиноятчи ёки нобакор бўлиб туғилмайди. Ножойи шароит ёки нотўғри тарбиягина уни қалтис кўчаларга бошлаши мумкин.

Шу ўринда оилавий дўстимиз бўлган бир оила ҳақида сўз юритмоқчиман. Ҳассос шоира Шарифа Салимова уйда ҳам, жамиятда ҳам эъзозли. Не-не «шаҳзода»лар орасидан иқтидорли олим Хуррам Раҳимовни танлаб адашмаганлигини ҳаёт исботлади. Шарифасининг янги китоби босмадан чиқса, Хуррамжоннинг оғзи қулоғида. Биз уларни Отабек ва Қумушга қиёслаймиз. Қолаверса, иккисининг феъллари ҳам ўхшашлик бор. Бу — меҳмондўстлик фазилати бўлиб, уларидан одам аримайди. Фарзандлари Гулқун, Гулрух, Нозима, Нодиралар ҳам ота-оналари сингари кўнгли очик, киришимли, мақсадли. Ушватмасдан учратмас, деганлари шу бўлса керакда. Шарифахон нуфузли идораларда, масъулиятли вазифаларда ишлаб юрган кезларида ҳам умр йўлдоши маслаҳаттўйи, фикрдоши, суянган тоғи бўлди. Рафиқам билан Хуррамжонлар тўғрисида кўп гаплашамиз, муносабатларига, меҳр-оқибатларига ҳавасимиз келади. Хуллас, улардан ўрганадиган жиҳатлар кўп. Роҳилахон: «Шарифахонлар кўкламда меҳмонга келишайди», деб соғиниб юрибди. Тўғри-да, бу дунёга ҳамма меҳмон, борди-келди қилиб, дийдорлашиб юрганга не өтсин...

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмаларида 2013 йил

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» дея эълон қилинган ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадлари амалга оширишга руҳлангирди. Бугунги кунда мамлакат миқёсида бу борада кенг қўллаб-қувватлаш ишлари бошлаб юборилган. Жумладан, касаба уюшмалари ҳам Обод турмуш йили мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолият йўналишига мос қатор вазифаларни белгилаб олиб, уларни изчил ҳаётга татбиқ этишга киришган.

Бу юмушларни самарали амалга оширишда, шубҳасиз, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчи аҳамият касб этади. Шу боис аҳоли ҳаёт даражасини оширишга ҳисса қўшиш, чунончи, меҳнат киши ва унинг оила аъзоларини етарли даражада ижтимоий ҳимоялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришиш мақсадида қўйи бўғин фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, касаба уюшмалари фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар замирида ҳам шу ният мужжасам. Эътиборлиси, касаба уюшмалари тизимида жорий йилнинг «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари йили» сифатида белгиланиши Обод турмуш йилида режалаштирилаётган муҳим вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади.

тилган. Саҳнага эътибор қилсангиз, асосан декорацияларда турли буюмларнинг алмашиши кузатилади. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, бу — саҳна ортидаги техник ходимлар учун эътиёткорликни талаб этади. Техник жихозлар ҳафтада камида бир марта текширувдан ўтказилади. Чунки унинг тагида 5-6 нафар актёр ишласа, саҳна ортида ҳам 3-4 нафар техник ходим бўлади.

Электр ва радио цех ходимлари махсус кийим ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ҳар икки йилда бир марта техник кўрикдан ўтишади. Чунки уларнинг ма-

тида залда тиббиёт ходими бўлиши лозим. Иссиқ жон, эҳтиёт бўлган яхши. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир неча йил муқаддам театр режиссёри Марат Азимовнинг 50 йиллик юбилеи бўлаётганда эл суйган комик актёр Собит Асомов саҳнада йиқилиб тушди. Зудлик билан саҳна ортига олиб чиқдик, шифохонага олиб кетишди. Афсуски, шифохонага етмасдан, йўлда жони узилган. Демокчи бўлганим, агар ўша пайтда шифокор бўлганида, эҳтимол биринчи тиббий ёрдам кўрсатармиди? Яқинда залда ўтирган бир томошабиннинг ҳам юраги ёмон бўлиб қолди. Шунинг

қайтилади. Демак, уларга дам берилади. Ёки янги йилда кунига 3-4 мартагача спектакл ёки арча байрамларида томоша кўрсатсак, бу ёзги таътилга қўшиб берилади.

Бизда ҳамма баравар таътилга чиқади. Июл ойи — дам олиш мавсуми. Яхши бир аънамиз бор. Қарилик гаштини сураётган фахрийларимизга ҳар байрамда дастурхон ёзиб, совға-саломлар улашилади.

— Спектаклда кекса артистлар ўрнига ёшлардан грим ёрдамида фойдаланишга қандай қарайсиз?

— Саволингизни тушундим. Менимча, катта ёшдаги артист ролини ёши улуг актёр ўйнагани яхши. Масалан, мен 65 ёшимда грим қилиб, соч-соқолимни оқартириб 85 ёшли ролни ўйнасам, бу билиниб қолади. Бугунги томошабин жудаям зийрак.

Ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ва спорт соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Барча инвентарлар билан жиҳозланган тренажёр залимиз бор. Раҳбаримиз Ёқуб Аҳмедов бу масалага ўта жиддий қарайди. Қолаверса, касбимизнинг биринчи шартини, бу саломатликдир. Вакилларимиз спорт тadbирларида мунтазам иштирок этиб, жамоамиз совриндорлар сафидан жой олиб келмоқда. Истеъдодли актёримиз Меҳриддин Раҳматов мини футбол жамоасига сардорлик қилса, театр расоми Бахтиёр Тўраев мураббийлик қилади.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» муҳбири

Санъаткорлар уюшмаси

Икки юздан зиёд киши меҳнат қиладиган Ўзбек Миллий академик драма театри пойтахтимиздаги йирик маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Бу санъат масканида элимиз суйган, халқ эътиромига сазовор бўлган устоз актёрлар ҳамда келажакда буюк санъаткор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб, катта ижод қозонида қайнаётган истеъдодли ёшлар меҳнат қилишади.

Хўш, шундай катта жамоа ижод қиладиган муҳитда касаба уюшмаси қандай ишляпти? Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, уларга яратилган шарт-шароитлар қай даражада? Шу каби саволлар билан театр касаба уюшма кўмитаси раиси Рустам Каримовга муурожаат қилдик.

— Театримизда 212 нафар

ходим фаолият юритади, — дейди етакчи. — Шулардан олтмишдан зиёди — режиссёр, актёр, бош режиссёр ёрдамчилари, труппа бошлиғи, адабий эмакдошлар — барчаси ижодий гуруҳ таркибига кирди. Душанбадан ташқари ҳар куни иш. 10:00 дан 13:00 гача репетиция машғулоти. Спектакл вақти эса кечки соат 18:00га белгиланган. Баъзи пайтларда дам олиш кунлари икки марта томоша қўйилиши мумкин. Барчанинг мақсади бир — томошабинга ёқадиган, сермазмун спектакл намойиш этиш. Охириги йилларда томошабиннинг ўзи кассага келиб чипта харид қилаёпти. Томошадан бир-икки ой олдин сотиладиган чипталар ҳам бор.

Маъмурият билан келишилган ҳолда меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қара-

лака ошириши доимий эътиборда бўлиши лозим.

Театрда, биласиз, микрофон бўлмайди. Жонли овоз назаримда саккизинчи қатордан кейингиларига эшитилиши қийин. Ҳозир техника анча ривожланган. Шунинг учун кулоқчин-микрофон (наушник)лардан фойдаланишни йўлга қўйишни ўйлаб турибмиз. Бир марта Аҳмад Фарғоний ҳақида спектакл қўйганимизда синаб кўрганмиз. Натijasи чакки эмас.

Театримизда ҳозирча техника хавфсизлиги штати йўқ. Айнан шунинг учун касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгазининг йиғилишида бу масалани кўтарган эдим. Яқин кунлар ичида вазият ижобий томонга ҳал этилиши керак.

Бундан ташқари, ходим ва томошабинлар соғлигини эътиборга олиб, спектакл пай-

учун бу масалани раҳбарият билан келишиб, хона ҳам ажратдик.

Яна бир гап. Театрга турли ёшдаги томошабин келади. Уларнинг орасида ёш болали аёллар ҳам бор. Шуни ҳисобга олиб алоҳида хонани жиҳозладик. Мабодо, ёш бола йиғлаб қолса, бошқаларга халал бермаслиги учун онаси ўша хонага бориб эмизиши ё она спектакл томоша қиладиган пайтда шу ерга бириктирилган ходим болага қараб туриши мумкин.

Театрда бир қонун-қоида бор. Бир кунда ходимларимиз эрталаб уч соат, кечкурун 3 ёки 4 соат ишлашади. Шунда умумий иш вақти 7-8 соатни ташкил этади. Бундан ташқари, хизмат сафарлари ҳам бор. Айтилик, Ангренга бордик. Йўл узок бўлгани учун кечаси



«Даво»дан шифо

Туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитасида 1786 нафар тармоқ ходимлари аъзоликка жалб этилган бўлиб, тизимдаги оқиллона ислохотлар сабаб кейинги пайтларда сафимиз нодавлат сектордаги корхоналарда ишловчилар ҳисобига кенгайиб бораётир. «Даво» хусусий шифохонаси айнан шу сектордаги жамоалардан биридир.

Олий тоифали уролог Маъмуржон Ахунов хусусий шифохонанинг бош врачини. Ундан шифо топганлар водийнинг кўп жойида учрайди. Мазкур шифохонада тузилган бошланғич касаба уюшма кўмитаси 20 кишилик жамоанинг манфаатларини ифода этиб келмоқда. Тумандаги тармоқ касаба уюшмасига аъзо ўттизга яқин бошланғичлар орасида мазкур муассаса ходимларга яратилган шароитнинг қулайлиги билан ажралиб туради.

Шифохона 2000 йилда иш бошлаган бўлиб, ҳозирда бу ерда 17 нафар тиббиёт ходими эл соғлиғи йўлида малакали хизмат қилмоқда. Кўп тармоқли шифо маскани жамоаси 2010 йилда 25 ўринга мўлжалланган янги бинога кўчиб ўтди. Бу ерни машҳур қилган, даволаш самарадорлигининг асосий омили табиат инъоми ҳисобланмиш маъданли сувдир. 3 км, чуқурликдан, 45 даража иссиқликдаги сероводородли сув тери касалликларини даволашда айниқса, яхши самара бермоқда.

Содиқжон ИБРОҲИМОВ,
Наманган туман тиббиёт бирлашмаси
касаба уюшма кўмитаси раиси

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизнинг 2012 йилдаги ижтимоий ривожланиш одимлари ва 2013 йилги энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилишни телевизор орқали жамоа бўлиб кўрдик. Президентимиз Ислон Каримовнинг маърузаси ҳар биримизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, таълим ва фан соҳасига кўрсатилаётган эътибор бизни янги-янги ташаббусларга чорлагандек бўлди.

Ижро интизомига риоя қилиб

Эришилган ютуқлар қувонтиради, албатта. Буни ўз соҳамизда ҳам кўриб турибмиз. Қайсидир жиҳатдан соҳа ходимларига кўмакдош бўлиш, иш берувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга эришиш вазифаларимиз негизига айланмоқда.

Ўтган йил, энг аввало, касаба уюшмалари макомини мустаҳкамлашнинг биринчи шартини сифатида жамоа шартномаси шартларининг тўлақонли уддаланиши диққат марказимизда бўлди. Вазифалар ижроси ҳар чоракда муҳокама қилиб борилди. Йилнинг иккинчи чорагида Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» меҳрибонлик уйи бошланғич касаба уюшмаси кўмитасида ўтказилган ўқув-семинар барча бошланғич ташкилот етакчилари учун чинакам услубий ва кўргазмали дастуруламал бўлди, десак янглишмаймиз.

Натижа ҳам чакки эмас. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир муассасада вакиллар тайинланган. Фаол аъзо-

лар ва иш берувчилар кўмагида ҳар ойда иккитадан бошланғич кўмита ишини тубдан ислоҳ қилишга эришдик. Умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий, гоъвий-мафқуравий тарғибот ишларини жонлаштиришда касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида эканлигини эндиликда барча эътироф этмоқда.

Дарвоқе, иш берувчилар кўмагида бирмунча хайрли ишларга қўл урдик. Тadbиркорликни йўлга қўйиш, бюджетдан ташқари маблағ топиш мақсадида шаҳардаги 1-, 2-, 3-, 4-мактабларда новвойхоналар ташкил этилди. 10-, 12-, 13-мактабларда иссиқхона ишлаб турибди. 5-, 6-, 7- мактабларда ташкил этилган қўнчилик эса иқтисодий фойда келтира бошлади. Шу йўл билан яна ўнлаб янги иш ўринлари барпо этишга эришяпмиз.

Хосият БЕРДИЕВА,
Таълим, фан ва маданият
ходимлари касаба уюшмаси
Зарафшон шаҳар кенгаши раиси

«Бошланғич ташкилотлар йили»

Касаба уюшмалари тизимидаги ислохотлар бошланғич ташкилотлар зиммасига улкан масъулият юклади. Энди аъзолик афзалликларини асослаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш юзасидан янада шижоат билан фаолият кўрсатишимиз талаб қилинмоқда.

1745 аъзони бирлаштирган Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма кўмитаси томонидан белгиланган иш режаларини татибиқ этиш, жамоа шартномаси бандларининг тўла ижро этилишини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинапти.

Авваломбор, жамоа шартномаси мундарижаси кенг қамровли бўлишини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Аъзоларимиз талабидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳужжатни мазмунан бойитиб бораёلمиз. 2010-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси ижроси юзасидан 4 та кўмита конференцияси, иккита умумий йиғилиш ўтказилиб, амалга оширилган ва галдаги вазифалар чуқур таҳлил қилинди. Давлат дастурлари, аъзоларнинг талаб ва истаклари асосида жамоа шартномасига янги бандлар киритилди айрим бандларнинг мазмунини ўзгартирилди.

Иш берувчи билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида мустақам ҳамкорлик туфайли юқоридаги ҳужжатда кўрсатилган шартларнинг икки тараф-

лама бажарилиши таъминланапти. Касаба уюшма фаоллари билан бўлимларда, қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, меҳнат муҳофазаси борасида кўрилатган чора-тадбирлар

Кўмакдош ва суянчиқ

ўрганилмоқда. Меҳнат муҳофазаси вакилига тегишли тавсиялар берилаяпти. Камчиликлар аниқланган тақдирда зудлик билан бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш диққат эътиборимизда. Айтайлик, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан зобитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлимида учрашув ташкил этилиб, 14 нафар шифокор рағбатлантирилди. Йил якунлари таҳлил қилиниб, касаба уюшма ишини самарали йўлга қўйишга кўмаклашган фаоллардан 14 нафари муносиб тақдирланди. Ҳисобот даврида, шунингдек, 8 нафар кам таъминланган аёлга мод-

дий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар аъзозимизга юбилей саналари ва пенсияга чиқиши муносабати билан қимматбахо совғалар топширилди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан 16 та кам таъминланган оила болаларига ўқув қуроллари олиб берилди. «Ҳамшира» танловининг туман босқичини ўтказишга ҳомийлик қилинди. Туманнинг энг яхши шифокори, энг билимдон ҳам-

саломатлигини мустақамлашни ҳам унутганимиз йўқ. Ўтган йили 16 нафар аъзозимиз санаторийларда дам олди. 29 ходимнинг фарзандлари ёзги таътил давомида оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқарди.

«Устоз-шогирд» аънаналарини таъминлашга ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Тиббиёт коллежларидан келиб амалиёт ўтаётган кам таъминланган ўқувчилардан 9 тасига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарвоқе, ўтган йили касаба уюшма кўмитаси томонидан уюштирилган маънавий таҳдидларга қарши курашиш, одам савдоси, гиёҳвандлик каби глобал муаммоларнинг аянчи оқибатлари ҳақида фикр алмашилди.

Обод турмуш йилида ниятларимиз катта. Мақсадимиз, касаба уюшма атрофида бирлашган ҳар бир аъзога ҳақиқий кўмакдош, суянчиқ бўлиш, улар ишончини қозониш.

Р. ЭШЧОНОВ,
Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси



Ижтимоий шериклик самараси

«Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти 2600 километр масофадаги умумфойдаланиш йўлига хизмат қилади. Ўтган йили жамоа 52 млрд. сўмлик қурилиш, реконструкция, капитал, жорий таъмирлаш ва сақлаш каби ишларни бажарди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани айни муддао бўлди, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Бектемир Худойбердиев. — Ҳозирда 14 та цех касаба уюшма кўмитаси 746 нафар аъзони бирлаштирган.

— **Энг аввало, хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратилишидан бошласак...**

— Дарҳақиқат, бу борда бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббусни қўлга олиши керак. Жамоатчилик назоратини кучайтириш, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларидаги меҳнат муҳофазаси битимлари, истиқболли дастурлар орқали ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, уларга хавфсиз иш шароити яратишда қўйилган натижага эришаётганимиз ҳам ташаббускорлик туфайлидир.

Ўтган йили ана шу мақсадлар доирасида 175 та тадбир ўтказилиб, унга 168188,2 минг сўм маблағ сарфланди.

— **Муносиб иш ҳақи — энг яхши рағбат, дейишади...**

— Жамоамизда вилоят тармоқ келишувига мувофиқ ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўланапти, қатор ижтимоий имтиёз ва кафолатлар тақдим этиб борилаёпти. Ушбу локал ҳужжатга кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг биринчи разряди «бошланғич разряд» этиб белгиланган. Тариф ставкаларини (лавозим маошларини) энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақланган ҳолда иш ҳақини ҳисоблаш учун қўлланилатган ягона тариф сеткаси коэффицентлари қиймати 1,5 баробар оширилди. Натижада, ўртача иш ҳақини қўшимча тўловлар ҳисоби билан ярим йиллик ва йил якуни бўйича

мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баробаригача кўпайтиришга эришилмоқда.

— **Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш борасидаги натижаларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Тармоқда 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 390771,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб муаммо тўлиқ ечимини топди. Ҳозир ходимларнинг маоши ўз вақтида тўлаб келинаёпти. Бунда иш берувчиларга 48 та талабнома киритиш орқали 428,9 миллион сўмлик иш ҳақининг ундириб берилиши ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда, албатта. Ижтимоий шериклик тамойилига асосланган ҳамкорлик туфайли ходимларнинг ўртача иш ҳақи муттасил ортиб, уларга икки минимал ойлик иш ҳақи миқдоридан овқат пули, бир минимал ойлик маоши миқдоридан йўл пули бериб борилмоқда.

— **Ташкилотнинг молиявий фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз фикр билдирсангиз.**

— Ўтган йилги даромад 70511,1 минг сўмни ташкил этди. Ушбу маблағ сметада кўзда тутилган мақсадли харажатларга тўлиқ етди. Аъзоларни соғломлаштириш, маданий-оммавий тадбирлар, китоблар хариди, матбуот нашрларига обуна учун 28391,0 минг, болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш учун 1484,6 минг сўм маблағ сарфланди. Вилоят тармоқ келишувига мувофиқ бир фоизли хўжалик ажратмаларига йил давомида 38493,7 минг сўм маблағ келиб тушди. Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари, санаторий, сиҳатгоҳ ва даволаш муассасаларига йўлланмалар олишда бу маблағ асқотмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Нуфуз баҳоси

Нукус шаҳридаги 6-умумтаълим мактаб бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ўз атрофида 82 нафар педагог-ўқитувчи ва 29 нафар техник-хўжалик ходимини бирлаштирган.

Ёшларни маънан етук, ватанпарвар ва соғлом этиб тарбиялашга бел боғлаган ушбу жамоада аҳиллик ва ишчанлик руҳи доим сезилиб туради. Бу кўп жиҳатдан мазкур таълим масканида фаолият кўрсатаётган касаба уюшмаси фаолияти билан боғлиқ десак, хато қилмаган бўламиз.

Бошланғич ташкилот хонаси педагогик ва хўжалик ходимлари учун ўзига хос мулоқот масканига айланган. Хонада таниқли адиб ва шоирларнинг китоблари, марказий ва маҳаллий газета-журналлар таҳламли, миллий гоё, маънавият, ҳуқуқ ва ахлоқ асосларига бағишланган рисодалар мавжуд. Ўқитувчилар машғулотдан бўш пайтларида бадий асарларни ўқиб, шахмат ёки шашка доналарини суриб ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Дарвоқе, хонадаги юмшоқ меҳнат ва идора жиҳозлари тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ажратилган.


— Ташкилотимиз қатъий режа асосида иш олиб боради, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Нуржамол Алламуратова. — Тадбирларни мазмунли ўтказиш ташкилотимиз қошидаги доимий комиссиялар томонидан бажарилади. Ўтган йили кўмита қошида тўртта: маънавий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиялар фаолият кўрсатди.

Ташкилотимиз педагогик жамоа ва техник ходимлар саломатлигини таъминлашда, болаларни ҳар томонлама етук, баркамол авлод қилиб тарбиялашдек масъулиятли жараёнда жонбозлик кўрсатаётган аъзоларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда.

Ўтган йил давомида ўн нафар аъзога моддий ёрдам берилди, ўн нафар аълочи ўқувчи Тошкентдаги «Гулбахор» оромгоҳига йўлланма билан таъминланди. Фаол ўқувчиларнинг 50 нафари Хива шаҳрига саёҳат қилиб қайтдилар.

Буларнинг ҳаммаси касаба уюшма ташкилоти нуфузининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Файзулла САЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Савол: Яқинда онкологик касаллик билан шифохонада даволаниб чиқдим. Менга МФЙ томонидан моддий ёрдам кўрсатиладими?

Б. ЮСУПОВА,
Юқоричирчиқ тумани

Жавоб: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10- ва 11-моддаларига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқи берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган «Эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан моддий ёрдам тайинлаш ва ҳар ойда тўлаш тартиби белгиланган.

Амалдаги қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан онкологик ёки бошқа оғир касалликка учраганларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш белгиланмаган бўлсада, аризонгизга биноан соғлиқни тиклаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бир маротабалик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Савол: Билишимча, мамлакатимиз қонунчилиги бўйича айрим фуқаролар мол-мулк ва ер солигини тўлашдан озод қилинган. Мен иккинчи гуруҳ ногирониман. Шу имтиёздан фойдалана оламанми?

Н. КОДИРОВА,
Сариосиё тумани

Жавоб: Республикада жисмоний шахслар Солиқ кодексига белгиланган тартибда мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам ушбу солиқлар бўйича ижтимоий адолат тамойилига мос равишда бир қатор шахсларга имтиёзлар белгиланган. Мисол учун, «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Меҳнат Қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги «Шухрат» ордени билан тақдирланган фуқаролар, иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар, ЧАЭС аварияси оқибатларини тугатишда иштирок этганлиги учун имтиёз оладиган фуқаролар, қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерлар, I ва II гуруҳ ногиронларининг мол-мулкига солиқ солинмайди. Мазкур имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади. Ушбу имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектига нисбатан қўлланилмайди.

Яйлов чорвачилиги чўпон, йилкибоқар, механизатор, ветеринария врач ва техниклари, бошқа мутахассис ва ишчилари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган, учала даражадаги «Шухрат» ордени билан тақдирланган фуқаролар, иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларига асосан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар, ЧАЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар, шахсий пенсия тайинланган шахслар ер солиғи тўламайди. Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича улар берилган пайдан эътиборан беш йилгача озод қилинган.

Ер солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар (бундан боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар мустасно) яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Саволга Чилонзор туман ДСИ бўлим бошлиғи Х.СУЛТОНОВ жавоб берди

Савол: Мудофаа, МХХ, ИИВда хизмат қилиб пенсияга чиққан фуқаролар қайси соҳада ишласа, нафақага дахлсизлик сақланиб қолади?

Али ХУДОЁРОВ,
Ўртачирчиқ тумани

Жавоб: Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом меъёрларига кўра, фуқаро Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларида хизмат қилиб пенсияга чиққанидан қатъи назар, меҳнат ҳақи тарзида ҳар қандай даромад олишда пенсия ярмига қисқаради. Бундан тўлиқ пенсияси сақланадиган ишловчи пенсионерларнинг қуйидаги имтиёзли тоифасигина мустасно:

- Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- Чернобил ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар;
- Фуқаролар йигинларининг раислари;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимида ишловчи пенсионер аёллар — ёшга доир пенсияни олганда.

Иккинчи жаҳон уруши ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси «а» бандида ва 28-моддасининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган шартлар ва нормаларга кўра тўлиқ пенсия билан таъминланишга ҳақли уруш ногиронлари ҳисобланадилар.


Савол: Ходимимиз туғиш ва бола парвариши учун бериладиган барча имтиёزلардан фойдаланди. Бироқ таътил вақти тугамасдан яна фарзанд кўрди. Унга қандай имтиёзлар берилади?

Аминжон РАШИДОВ,
Гиждувон тумани

Жавоб: Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш-лаш бўйича таътиллари бериш ҳамда тегишли нафақалар тўлаш билан боғлиқ меҳнат кафолатлари, уларнинг болалари миқдоридан қатъи назар, барча аёлларга татбиқ этилади. Меҳнат кодексига аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қуйидаги қўшимча кафолатлар мав-

жуд:

- ҳомиладор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш (226-модда);
 - икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш (227-модда);
 - тунги, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш (228-модда);
 - уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи (228-1-модда);
 - аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш (229-модда);
 - қўшимча дам олиш куни (230-модда);
 - аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар (231-модда);
 - ўн икки ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллари (232-модда);
 - ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (233-модда);
 - бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун бериладиган таътиллари (234-модда);
 - болани овқатлантириш учун бериладиган танафуслар (236-модда);
 - ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар (237-модда).
- Шунингдек, аёлларга туққунга қадар 70 календар кун ва туққанидан кейин 56 календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда -



70 календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади (МКнинг 233-моддаси).

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади (МКнинг 233-моддаси).

Бироқ у ўз хоҳишига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимда ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин (МК 234-моддасининг тўртинчи қисми). Бунда унинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Шу билан бирга, тўлиқсиз иш вақти шартли билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддати, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади (МК 119-моддасининг учинчи қисми).

Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Марказий кенгаши бош юрист-консультанти

Меҳнаткашлар манфаати — устувор


Ташкилот ва корхона раҳбарларининг қонунни билмаслиги ёки била туриб, атай унга риоя этмаслиги натижасида ишчи-ҳодимларни ноҳақ ишдан бўшатиш, ойлик маошларини ўз вақтида тўламаслик ҳоллари учраб туради. Шу нуқтаи назардан Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимига ўтган йилда келиб тушган ариза ва мурожаатларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилгани таҳсинга лойиқдир.

— Бирлашма юридик бўлими томонидан 2012 йилда фуқаролардан тушган меҳнат қонунчилигига оид ва бошқа масалалар юзасидан 42 та ёзма, 82 та оғзаки мурожаат қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда ўрганиб чиқилди, — дейди бўлим бошлиғи Пўлатжон Жўрабоев. — Ёзма аризаларнинг 28 таси ходимлар билан тузил-

бўйича ҳам мурожаатлар бўлганми?

— Албатта. 10 нафар ходимга мажбурий ишсиз юрган вақти учун 6 млн. 651 минг сўм ундириб берилди. 13 нафар фуқаронинг эса меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар амалдаги Меҳнат кодекси талабларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирил-

лар форуми»нинг Андижон вилоятидаги жамоатчилик кенгашида 2012 йил давомида юридик бўлим ходими томонидан белгиланган навбатчилик жадвалига асосан ҳар ҳафтанинг сешанба кунда турли масалаларда мурожаат қилган 64 нафар фуқаронинг ҳолати чиқарилди. Форум томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этилди.



МУРОЖААТЛАР — ЭЪТИБОРДА

ган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ва бошқа ишга ўтказилиши, 9 таси иш ҳақи тўланиши, 1 таси пенсия таъминоти, 2 таси меҳнат қонунчилигига оид ва 2 таси касаба уюшмалари фаолиятдан ташқари масалалар юзасидан бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашилди. Ўрганиш натижасида 15 нафар фуқаро иш берувчилар томонидан ноқонуний ишдан бўшатишга учун уларни ўз иш жойларига тиклаш бўйича бирлашма томонидан тақдимномалар киритилди. Шунга кўра, М.Исақова, Ё.Эгамбердиева, А.Мўминов, Д.Тангрибергенова, З.Туркбоева, М.Абдуллаева, Н.Абдурахмонова, Ш.Маматов, С.Асроров, Ш.Холиқбердиева, М.Турдиева, Э.Жўраев ва бошқалар ўз жамоасига қайтдилар.

— **Иш берувчи томонидан ходимнинг мажбурий ишсиз юришига йўл қўйилиши ва иш ҳақларини ундиришдаги муаммолар**

маганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, 28 нафар ходимга 8 млн. 550 минг сўм иш ҳақи тўлаб берилди. 3 нафар фуқаронинг меҳнатга оид бошқа масалалар юзасидан ёзган аризалари қонунда белгиланган муддатда ўрганиб чиқилиб, жавоб хатлари юборилди.

— **ЎзКУФКнинг Касаба уюшма органларида «Ишонч телефони» ҳамда ҳуқуқий ёрдам маслаҳат тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Қарорга асосан 8 (374) 222-13-50, 224-56-42 рақамли «Ишонч телефони» ташкил қилинди. Улар орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилаётир. Ўтган йили мурожаат қилган 78 нафар фуқарога амалдаги қонун талаблари асосида маслаҳат ва тушунчалар берилди.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон ижтимоий масъул фуқаро-

лар форуми»нинг Андижон вилоятидаги жамоатчилик кенгашида 2012 йил давомида юридик бўлим ходими томонидан белгиланган навбатчилик жадвалига асосан ҳар ҳафтанинг сешанба кунда турли масалаларда мурожаат қилган 64 нафар фуқаронинг ҳолати чиқарилди. Форум томонидан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этилди.

— **Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2012-2014 йиллар учун минтақавий келишувнинг ижросини таъминлаш ва янги иш ўринлари мониторингига ҳам тўхталсангиз.**

— Бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, бирлашма ва вилоят хотин-қизлар кўмитасининг кўшма қарорини бажариш

мақсадида ҳудудда жойлашган қатор саноат корхоналари ва фермер хўжаликларида хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланганлиги ҳолати ўрганилди. Ишловчи аёлларни ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш, меҳнат шартномаларини бекор қилиш, меҳнат таътиллари бериш ҳамда амалдаги меҳнатга оид қонунларда назарда тутилган кафолат ва имтиёزلарни жорий этишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, улар жойида бартараф этилди. Хотин-қизлар учун қонунда белгиланган кафолат ва имтиёزلарни жорий этиш бўйича амалий ёрдам берилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва ЎзКУФКнинг 2011 йилдаги қарори билан тасдиқланган кўшма тадбирлар режасининг 9-банди ижросини таъминлашга ҳам эътибор қаратилди. Андижон шаҳридаги «ASIA SOKATO»,

«Олмос текстил Анд», «Гранд Биллур текстил» МЧЖлар, «OzERA Climate control» кўшма корхонаси, «Андижон ёғ-мой» ОАЖ қошида очилган қандолатчилик цехи, Қўрғонтепа туманидаги «Мегамикс транс сервис», «ДОНС», «Водий ҳамкор лазер» МЧЖ, «Савай» наслчилик шўъба корхонаси, Асака туманидаги «Асака дон маҳсулотлари» ОАЖ, «Асака МАК» МЧЖ ҳамда «Автокомпонент» кўшма корхоналаридаги янги иш ўринларида фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган кўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари ўрганилганда бажарилган ишлар қаторида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани аниқланди. Иш берувчиларга мавжуд камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Суҳбатдош: Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Қилмиш-қидирмиш

Яқинда жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди Жаҳонгир Фаниев ҳамда Ихтиёр Ботировнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, ҳукм қилди.



Ж.Фаниев ва И.Ботиров 2012 йил 30

март куни маҳалла фуқаролар йиғинига маълумотнома ва тавсифнома олиш учун боришди. Бир пайт Жаҳонгирнинг уяли телефонига нотаниш рақамдан кўнғироқ бўлди. Қарангки, у англашилмовчилик билан бўлган кўнғироқ туфайли ўзига мутлақо нотаниш бўлган, «Истиқлол» маҳалласида яшовчи Нурмуҳаммад Мирзаев билан телефонда жанжаллашиб қолди:

— Эй, йигитча, ўзингни бос, сен ким билан гаплашаётганигни биласанми?

— Сен кимсан?

— Биз Республика ҳуқуқ-тартибот идорасида ишлаймиз, — Жаҳонгир ёнида турган Ихтиёрга кўзини қисиб сўзини жиддий оҳангда давом эттирди. —

Жаҳонгир Фаниев шу заҳотиёқ ўшанотаниш йигит билан ҳисоб-китоб қилиши зарурлигини Ихтиёр Ботировга тушунтириб, унинг бошқарувидаги «Дамас» русумли 12 I 8510 давлат рақамли автомашинада Н.Мирзаевни излаб топилди. Салом-алиқдан сўнг, улар Нурмуҳаммад Мирзаев ва шериғи Рўзибой Ибрагимовга ўзларини ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари деб таништириб, уларни идорага олиб бориш билан кўрқитиб, ўзлари миниб борган автомашинага ўтқазил-

ган Нурмуҳаммад: «Акалар, илтимос бизни ИИБга олиб борманглар», дея ялинишга тушди. Шунда Ихтиёр улар бошлиқни ҳақорат қилганликлари учун қамалиши шартлигини айтиб, машинани бамайлихотир бошқариб кетаверди... Фирибгарлар алдаш ва кўрқитиш йўли билан жабрланувчилардан дастлаб 1 млн. 400 минг сўм, сўнгра 1 млн. 600 минг сўм ундириб, ушбу маблағларни шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишди.

Текин даромадга ўрганган Жаҳонгир Фаниевнинг кўнгли яна эски «хунар»ини тусаб қолди. У жорий йилнинг 4 апрел куни соат 18:30 ларда Нурмуҳаммад Мирзаевнинг уйига бориб, ундан ишни ҳал қилиш учун икки соат ичида яна 3 млн. сўм топиб беришини талаб қилди. Акс ҳолда, уни оғир қийноқлар ва жазо кутиб турганлигини айтди.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2012 йил 9 июл кунги ҳукмига кўра, судланувчилар Жаҳонгир Фаниев ва Ихтиёр Ботиров жиноий қилмишларига яраша жазоланишди.

Х. ДЎСНАЗАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг судяси

Фирибгарлар

Агар ўзининг кимлигини ва қаерда яшашини айтмасанг, сени барибир топиб, турли қийноқларга соламиз...

Гулистон тумани «Ишонч» хўжалиги ҳудудида мол боқиб юрган Нурмуҳаммад Мирзаев қутилмаган дўкпўписадан кўрқиб кетиб, «ака»лардан аввалига узр сўрайди ва айни пайтда қаердалигини уларга рўй-рост айтади.

Икки содда йигитнинг ранги докадек оқариб кетганини кўрган сохта ҳуқуқ-тартибот ходимлари «иш»га шахд билан киришиб, Н.Мирзаевдан нархи 200 минг сўмлик «Нokia-2690», Р.Ибрагимовдан эса нархи 80 минг сўмлик «Нokia-1202» русумли уяли телефонларни товламачилик билан осонгина қўлга киритишди.

Автомашина Дўстлик кўргони ҳудудига кирганда, ўрта ўриндикда ўтир-



Мухторхон ака маҳалла фуқаролар йиғинининг навбатдаги мажлисидан қайтаркан, ўзининг таклифи билан тадбиркорлар ёрдамида маҳалланинг Чустий кўчасидаги кўп қаватли уйлар оралиғида қурилиши тугай деб қолган нон-булка цехига кўзи тушиб, кайфияти янада кўтарилди. Уйда Муҳаббатхон опа умрдошини:

— Газетада яна қизимизнинг мақоласи чиқибди, — деган хабар билан кутиб олди.

Мухторхон ака «Чуст ҳақиқати» туман газетасининг навбатдаги сонини турмуш ўртоғининг кўлидан олиб, мутулаага тушди. Қизи — педагогика коллежининг кафедраси мудири Раъно илмий-маърифий мавзуда мақолалар ёзишга қизиқади. Мухторхон аканинг ўзи ҳам аҳолини ташвишга солаётган мавзуларда қалам тебратиб туради.

Раънонинг мақоласи суюкли адиб Чингиз Айтматовнинг «Соҳил ёқалаб чопаетган Олапар» қиссаси таъсирида кенжа ўғли Иброҳимхонга мурожаати тарзида ёзилган бўлиб, тилагини шундай ифодалаганди: «Болагинам, ажодларимиз кейинги насллар бахти, омонлиги учун ширин жонларини ҳам аямаганлар. Охириги ўтинчим — сен ҳам улар каби фидойи бўл, уларга муносиб ва содиқ ворис бўл».

Мухторхон ака мақола таъсирида беихтиёр ажодлари ҳақида ўйга толди. Унинг шаҳар истироҳат боғидаги масжид ва мадрасани қурдирган бобоси раҳматли Хўжахон Тўра, ота-онаси Мунибиллохон Тўра ва Меҳринисо отин Нақшбандия тариқати раҳнамоларидан бўлган авлиёуллоҳ Мавлоно Лутфуллоҳ шажарасига мансуб бўлиб, савобли ишлари билан эл озғига ту-

Сўзни энг ҳикматлиси шул-раҳмат олгил, раҳмат ол,
Дейдиларки, битта раҳмат минг балони енгади.
Элга хизмат айла Чустий, эл ризосин ол мудом,
Эл ризосин қудрати балким казони енгади.

Набиҳон ЧУСТИЙ

шишган. Мухторхон ака ҳам бир умр уларга тақлидан яшашга интилиб келади.

...У шаҳри азим Тошкентда зиёлилар оиласида дунёга келди. Отадан ёш қолгани-ю оилавий шароит сабабли болалигидан ўзини хунарга урди. Дастлаб қисқа муддатли курсларда ошпазлик, сотувчилик, моделер-бўёқчилик хунарларини эгаллади. Бу касбларнинг ҳаммаси рўзгорда ва кўни-қўшнилари учун асқотар, Мухторхоннинг уздабу-ронлигига маҳалладошлари таҳсин айтишарди. Лекин

обрўси, топиш-тутиши яхши, бундан ўзи ҳам мамнун, лекин ота-боболари юртига бориб, арзигулик ва савобли ишларни қилиш орзуси кўпдан буён юрагига тинчлик бермасди. Бир куни акасига дилини ёрган эди, Пўлатхон ака укасининг ниятини маъқуллади.

— Ота юрт ризосини олиш — кони савоб, — деди у.

1979 йилда Мухторхон мутахассисларга эҳтиёжи кучли бўлган Чустдаги «Сувмет» насос двигателларини таъмирлаш заводини йўлланма олди. Биринчи иш кунидеёқ корхо-

бўлди. Камарсада доводнида бунёд этилган зинапоя кўри-нишидаги фавворалар, «Боғи-шамол» қабристон-хотира мажмуаси, Наманган шаҳрида жарликлар ўрнида қад ростлаган муҳташам «Динамо» спорт комплекси, кўплаб зебо хиббонлар, гулзорлар Мухторхон Хўжаев ижодий тафаккурининг маҳсули, десак муболага бўлмайди.

У вазифаси тақозосига кўра маҳаллий шароитни ўрганар экан, шаҳар ва тева-рақдаги ер юзасига яқин жойлашган зах сувларнинг аҳоли саломатлиги, тупроқ унумдорлиги, бинолар ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини пайқайди. Бунинг устига сув тақчиллиги ҳовли ва томорқаларни сугоришга имкон бермасди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланса

МФЙ кенгаши аъзоси сифатида маҳаллада кам таъминланган оилаларнинг қонуний имтиёзлардан фойдаланишларини назорат қилиб, зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатмоқда, уларнинг фарзандларини ўқишга ёки ишга жойлаштиришга кўмаклашмоқда. Мурувватли инсон сифатида икки нафар қаровчисиз қарияни оиласи бюджети ҳисобидан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Мухторхон ака билан кексалик гаштини сураётган умрдоши Муҳаббатхон опа таълим-тарбия соҳаси фидойиси. Қизлари Раъно она касбини танлади. Ўғиллари Маҳмудхон ва Маъруфхон олий маълумотли мутахассислар бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда. Оила даромадининг бир қисми хайрия ишларига сарфланмоқда. Куёвлари Илҳомжон, келинлари Гулсарахон ва Муҳайёхон педагогик фаолият билан машғул.

Қадди-қомати ва ёшига мос бежирим кийинувчи маҳалладошимнинг ҳамон ҳаракатлари чакқон. Нутқи равон. Ўнлаб шеър устозларни, монологларни, тоғаси Набиҳон Чустийнинг барча шеърларини ёддан билади. Ўзбек мумтоз адабиёти ва санъати ҳақида соҳанинг етук мутахассисларидек фикр юритади. Энг муҳими, атрофдаги воқеаларга бефарқ эмас, огоҳ инсон.

— Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам Чустда санъат саройини Мухторхон ака лойиҳаси асосида реконструкциялашда ўймакорлик ишларини бажариш жараёнида бу ажойиб инсон билан танишиш бахтига муяссар бўлганман, — деб эслайди Ўзбекистон Бадиий Академияси вилоят бўлими раиси, халқ устаси, академик мусаввир Асқарали Акпаров. — Санъат сирларини теран англаши билан мени ва касбдошларимни ҳайратга солганди.

Дарвоқе, ғазалхон шоир Набиҳон Чустий ўз вақтида Мухторхон ака ва унинг аҳил оиласига шеър бағишлаганлар. Бунга асло тоға-жиянлиги сабаб эмас. Чустий домла ҳамма яқинларига ҳам шеър бағишламаганини кўпчилик яхши билади. Демак, гап мадҳияга муносиб бўлишда экан.

Абдусаттор АХМАДАЛИЕВ,
меҳнат фахрийси,
Наманган вилояти,
Чуст шаҳри

МАДҲИЯГА МУНОСИБ ИНСОН

(Очерк)

эгаллаган касблари йигитга камдек кўринар, мактабни тамомлагач, Тошкент тўқимачилик институти сиртки бўлимининг муҳандис-конструкторлик факултетига имтиҳон топшириб, ўқишга қабул қилинди. Айна бир пайтда авиация заводи қошидаги курсда металл йўнувчилик ва қирувчиликни ўрганиб, мазкур корхонада ишлаб бoшлади.

Ўз ишини аъло даражада удаллаши, жамоа ишларида фаоллиги, айниқса, футбол жамоаси тузиб, унга ўзи ҳам сардорлик, ҳам тренерлик қилиб, корхона чемпиони даражасига етказгани унга дурустгина обрў келтирди.

Мухторхон Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш заводи маъмуриятининг илтимосига биноан мазкур корхонага муҳандис-конструктор бўлиб ўтгач, ана шундай хайрли ишлари кўламини янада кенгайтди. Вазифасига қўшимча равишда бир неча цех ҳовлиларида ўз лойиҳасига мувофиқ ихчам фавворалар қурдирди, гулханалар бунёд эттирди. Касаба уюшмаси ташкилоти раиси ўринбосарлигига сайлангач, корхонада ободончилик ишларини янада авж олдириди.

Мухторхоннинг шаҳарда

на ҳовлисига разм солиб, ободлаштиришга муҳтожлигини сезди. Орадан бир ҳафта ўтгач, ёш муҳандис директор хузурига завод ҳовлисининг янги лойиҳаси билан кирди. Мамажон Йўлдошевга йигитнинг юксак диди, дадиллиги ёқди ва унинг таклифини маъқуллади. Йигирма кун ичида ҳовузли фаввора корхона ҳовлисига бетакрор кўркамлик бағишлади. Бир ой орасида унинг теғраси турфа гуллар билан янада оройиш топди. Сўнгра қўшни корхоналар ҳовлилари, шаҳарга Наманган томондан кираверишдаги чорраҳа ўртаси гулзорга айлантирилди. Узоқ-яқиндаги корхоналар раҳбарлари ҳам Мухторхон Хўжаевга лойиҳа учун буюртма бера бошладилар.

Шаҳар раҳбарияти серғайрат муҳандиснинг эзгу ишларини қувватлаб, орадан икки йил ўтар-ўтмас уни ташқи ободонлаштириш корхонаси директорлигига кўтарди. Янги бошлиқ қадимий ва навқирон шаҳарни кўркамлаштириш мақсадида ўнлаб салмоқли лойиҳаларни яратиб, уларни амалга оширишга бош-қoш

бўладиган ерости сувларини аниқлаб, маҳаллаларга йўналтириш, сизот сувларни оқизиб юбориш зарур эди. Мухторхон бу масала билан қаттиқ шуғулланиб, уни вилоят миқёсига олиб чиқди. Ана шундай уринишлар самараси ўлароқ 1983 йилда зах сувларни қочириб илтисослашган «Коммунадренаж» корхонаси ташкил этилиб, Мухторхон Хўжаев унинг бошлиғи этиб тайинланди.

Янги корхонанинг биринчи раҳбари ишни барча маҳаллалардаги ер ости сувлари таркибини мукамал ўрганишдан бошлади. У Тошкентга тез-тез қатнар, кўпинча неча кунлаб пойтахтда қолиб кетарди. Натихада лаборатория хулосалари асосида барча ҳудудлардаги ер ости сувлари таркиби харитаси ишлаб чиқилди. Зарур деб топилган ҳудудларда дренаж-қудуқлар қазилди. Мухторхон ака то пенсияга кўтилганига қадар йигирма бир йиллик узлуксиз раҳбарлиги давомида корхонани моддий жиҳатдан мустаҳкамлаб, вилоятдаги илғор жамоалардан бирига айлантирди.

Мухторхон Хўжаев умрининг етмиштинчи зинасига қадам қўяётган бўлса-да ёшлардек ғайратли. «Бирлик»

Инсон ҳаёти унинг иродаси, интилишларига ҳамоҳанг эканлигини Бахтиёр Ашуров умр йўлига назар ташлаб, билиб олишингиз мумкин.

У Касби туманидаги оддий чорвадор оиласида дунёга келди. Отаси Темир ака хўжалик фермасида ишлар, оилада 11 нафар фарзанд бўлиб, ҳар бир ўғил-қизнинг қизиқишлари ўзгача эди.

Бахтиёр тушгача мактабда таҳсил олса, тушдан кейин мол-ҳолга қарашиб, отасининг ишини енгиллаштирарди.

Йиллар шу зайл ўтди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент политехника институтида билимини оширди.

1982 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, Касби тумани Денов қишлоғидаги 6-билим юртида ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Бу ерда тўрт йил ишлаб, педагогика соҳасининг захмату машаққатларини ўзлаштирди, мураббийлик салоҳияти шаклланди.

1995 йилда Қаршига келиб, «Каштекс» корхонасига ишга кирди. Бу ерда ип йигирув цехида уста бўлиб

уч йил самарали меҳнат қилди. Ҳалоллиги, ўткир зеҳни билан жамоа ўртасида ҳурмат қозонди.

1998 йилдан бошлаб мамлакатимизда касб-хунар коллежлари фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, Қарши шаҳрида ҳам учта коллеж очилди. Бахтиёр Қарши саноат касб-хунар коллежида ишлаб чиқариш таълими устаси вазифасида педагогик фаолият

Унвошли мураббий

тини давом эттирди. «Кимёвий технология» кафедраси мудири, бўлим бошлиғи вазифаларида меҳнат қилиб, чуқур билим ва салоҳият соҳиби сифатида ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонди. 2006 йилда жамоа Бахтиёр Ашуровга ишонч билдириб, коллеж касаба уюшма кўмитаси раиси вазифасига сайлади. Устозлик масъулияти устига касаба уюшма ишининг қўшилиши табиатан софдил Бахтиёр акани янада жўшиб ишлашга ундади. 2008 йилда Бахтиёр Ашуров дирек-

торнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлигига тайинланди. 1376 нафар ўқувчи таҳсил олаётган даргоҳда таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилгани учун битирувчилар воҳадаги турли саноат корхоналарида ишлаб, ҳаётда ўз ўринларини топишмоқда.

— Коллежимизда саккизта йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда,

— деди Бахтиёр ака. — Нефть ва газни қайта ишлаш, нефть ва газ қудуқларини бургулаш, қудуқларни синаш, ёнғин хавфсизлиги, кимёвий технология, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика, компютер ва компютер тармоқларига хизмат қилиш йўналишлари шулар жумласидандир. Коллеж ва воҳадаги етакчи саноат корхоналари — «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи билан шартномамиз бор. Би-

тирувчилар бу корхоналарда амалиёт ўтаб, иш ўрганишмоқда. Пировардида улар иш билан таъминланяпти.

2012 йилда Президентимиз Фармони билан Бахтиёр Ашуровга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди.

— Бу ишонччи оқлаш учун янада зўр бериб ишлаш керак, — дейди Бахтиёр ака тўлқинланиб.

У намунали оила бошлиғи, тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Фарзандлари ота изидан бориб, илм йўлини танлаганидан мамнун. Тўнғич қизи Фануза Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олаётган бўлса, ўғли Фолиб коллеж ўқувчиси. Рушана тўққизинчи, Жасур эса тўртинчи синфда аъло баҳоларга ўқияпти.

— Бобокалонларимиз илм этагини тутиб дунёни танишган ва ўзларини, ўзлари яшаб турган юртни дунёга танитишган, — дейди Бахтиёр ака. — Бугунги авлод ҳам улардан кам бўлмаслиги керак.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Бу чаман раънолари...»



Биз яшаётган XXI асрда Навоийни ўқиш зарурияти чандон ортганлигини кўриш мумкин. Бу зарурият, энг аввало, Алишер Навоий шахси ва ижодида абадий инсоний идеалларнинг тажассум топанлиги билан изоҳланади. У тафаккур тадрижини шундай бир чўққига кўтариб қўйдик, бу чўққи Вақт билан басма-бас тобора юксалмоқда.

Улуғ шоир асарларини мутолаа қилар экансиз, онгингизда фикр уйғонади, кўксингизда эзгулик куртаклари барг ёзади. Негаки, Алишер Навоий улкан аллома, сўз санъатининг даҳоси бўлиш билан бирга, ҳаётнинг беназир билимдони ҳам эди. Унинг шеърларида гоёта инжабинлик билан кузатилган кундалик турмуш тафсилотлари бизга шундай фикрлашга изн беради. Ҳаётни жамийки каттакич тафсилотлари билан чуқур билганлигидан унинг шеърларидаги ҳар бир кўчим, тасвир ҳар томонлама асосланган. Чунончи, «Фаройиб ус-сифар» девонидан диққатимизни ана шу жиҳати билан ўзига жалб қилган 386-ғазал:

**Боғ мендек сарғариб, булбул
менингдек бўлди лол,
Гўйиё мундоқ бўлур бир гулдин
айрилганга ҳол, —**

деган матлаъ билан бошланади. Яъни «боғ мен каби сарғайди, булбуллар менинг каби лол бўлиб, сайрамай қўйдилар, бунинг сабаби шуки, боғ ҳам, булбул ҳам, мен ҳам ўз гулимиздан айрилганмиз». Шеърда бошдан-охир куз фасли манзараши берилган. Кузда боғнинг сарғариши, гулларнинг хазонга юз тутиши ҳаммага аён. Аммо булбулнинг кузда сайрамаглигини ҳамма ҳам билвермас керак. Орнитологик кузатишларга кўра, булбуллар июн-июл ойларида кейин сайрамай қўяр экан. Нозиктаъб шоир мана шу ҳаётнинг фактни яхши билган ҳолда, ташбеҳ доирасига тортади ва асосли кўчим яратади.

Матлаъда ғазалнинг бутун кейинги байтларида таърифланадиган ҳолат ва манзараларнинг сабаби берилди. Шундан шеърда тасвир этилган руҳий ҳолат ва кайфиятлар мавҳум бўлиб қолмай, аввал-бошдаёқ бунинг боиси ҳижрон эканлиги айтиб ўтилади — ғазал сабаб-оқибат муносабатлари орқали аниқ ҳаётнинг манзара касб этади.

Матлаъдан бошлаб фалсафий мушоҳадалар инъикос топан 7-байтгача шоир куз фасли манзараларини изчил равишда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига қиёс эта боради. Бу байтларда ўқиймиз:

**Ердаги ёфроғ ғарибу хоксор
ар бўлмаса,
Мен киби не важхдиндур юзи
сориг, ашки ол?**

**Суғаким тушмиш қизорғон барглар,
кўрган киши
Кўз ёшим ичра бағир парголеси
айлар хаёл.**

**Шох Мажнундирки, урён бўлубон
афғон қилур,
Барг Лайлодурки, нилу игна бирла
қазди хол.**

**Ҳажр аро оҳимга боқмай борди,
лекин шукр эрур
Ким, хазонда сарвга осиб
еткурмас шамол.**

Шоир сарик, қизил тусларда хазонга юз тутган япроқларни ўзига ўхшатади — модомики, улар ҳижронда қолган ошиқ сингари ғариб, камситилган — ер билан баробар бўлмасалар, нега юзлари заъфарон, кўз ёшлари қонранг?

Бу қизарган барглар сув юзида ҳам сузиб юришибди — улар шу ҳолатда юракнинг кўз ёши дарёсида юзиб юрган қонли парчаларига ўхшайди — зеро, юрак ҳижрон туфайли қонга айланиб, парча-парча бўлган, бу парчалар кўз ёши билан ташқарига чиқмоқда.

4-байт шеърга кўчириб бўлмасдек туюладиган ҳаётнинг тафсилот орқали ҳосил қилинган кўчим билан, шоирнинг ассоциатив тасаввурининг беқиёс кучидан дарак берарак, кишини лол қолдиради. Шох — телба Мажнун, у телбалигидангина урён (яланғоч) эмас. Чунки барг — Лайло унинг баданига хол қўймоқда. Бундай хол эса яланғоч баданга игна санчиш орқали қўйилади. Шох афғон чекаёттир, дод солаёттир; чунки баданига игна санчилаётган ҳар бир кишининг оҳ-дод қилиши табиий ҳол. Шохдан узилиб тушган барг, унинг нозик бандлари туфайли шохда хол шаклида қолган доғ ва яланғоч шохнинг куз шамолида чийиллаб-шувиллаган овозлар чиқаришини бундай инжа кузатиш, олам системасининг икки бўлаги бўлмиш табиат ва жамият манзараларини ўзаро бу тахлит дахлдор қилиш, уни аруздай инжиқ вазндаги шеърда интенсив ифода этиш, сўзда бундай гўзал мусаввира манзара чизиш ижодкор тасаввур ва идрокнинг бепоёнлигидан, шоирона истеъдоднинг юксаклигидан дололатдир.

Кейинги байтда сарв дарахтининг қишин-ёзин яшиллиги билан боғлиқ яна бир ажойиб ҳаётнинг тафсилга дуч келамиз. Ошиқ ишқ туфайли оҳлар чекади, аммо маъшуқа бу оҳга парво қилмай, ошиқни тарк этади. Шоир шу ҳолатни ҳам фасли хазон манзараларига муқобил қўяди: куз шамоллари одатда дарахт барглари сарғайтиради, тўкади; аммо сарв — доимий яшил дарахт. Куз шамоллари унга таъсир қилмагани сингари ошиқнинг куз шамолидай охи ҳам сарв сингари қадрасо ёрга зарар (осиб) етказмайди. Қизиги шундаки, маъшуқадан шундоқ буюк жафолар кўрган ошиқ ёрнинг ўз оҳларидан зарар кўрмаганидан хурсанд. «Шукр эрур» жумласи ана шундан далолат беради. Аслида, ошиқликнинг маъноси ҳам жафони вафо билан қарши олишда.

**Бу сариг рухсор уза ҳар сори
ашким ўхшашур
Бир хазонлиг боғ ичинда ҳар
тараф равшан зулол.**

2-байтда сўз очилган юзи сариклик баҳси бу байтда ҳам давом этади. Ошиқнинг интизорликдан сарғайиб кетган юзларида оқиб ётган кўз ёшлари хазон босган боғ ичиндан турли тарафларга қараб йўналган тиниқ сувли ариқчаларга ўхшайди. Шоир бу ерда ҳам ҳаётнинг тафсилотнинг аниқлигига беътибор қолмаган, «равшан зулол» жумласида кузда ариқ ва сойлардаги сувларнинг сокинлашиб, тиниқ тортиши ифода этилган. Кузги сувлар мана шу тиниқлиги билан кўз ёшга ўхшайди.

Ҳазал муаллифи матлаъдаёқ теварак-атрофда кечаётган тийрамоҳ (куз) фасли ўзгаришларида ўзининг ташқи кўриниши билан ўхшашлик кўради: боғ унинг чехрасидек сарғайган, булбулнинг куйи уники сингари тинган, ердаги япроқлар унинг каби ғарибу тупроқпоймол, сувдаги қизил барглар — бағирнинг кўз ёшларида сузиб юрган қонли парчалари, шохлар унинг сингари телба ва яланғоч, кузнинг совуқ шамоллари — ошиқнинг оҳлари, заъфарон юз узра тинимсиз оқаётган кўз ёшлари — хазонли боғ ичра ҳар тарафга қараб оқаётган ариқчалар каби. Бу ташқи манзаралар эса ҳижрон туфайли ошиқ руҳий дунёсида кўпган бўроннинг изларидир. Шу зайдда шоир бутун оламни ўзи каби, ўзини эса бутун олам каби ҳис қилади; инсон ўзини ўраган борлиқ билан бирликда, бутунликда идрок этилади: оламнинг жамийки манзаралари инсонда ҳам кузатилади, олам ўзгаргани сингари инсон руҳида ҳам ўзгариш. Олам билан инсон биниси бири-бирига нақадар ўхшаш!

Аммо, ҳар қанча маънодор ва гўзал бўлмасин, ғазал структура ва маънавий жиҳатдан мана шундай ўхшаш байтлардангина иборат бўлиб қолмайди. Шоир тасвир йўналишини сақлаб туриб, маъно йўналишини ўзгартириш орқали, бутунликка путур етказмаган ҳолда, ғазал руҳини янгилайди, фикр хулосага яқинлашиб боради: кейинги байтда яна ташбеҳ усулидан фойдаланиб, умумлаштириш шаклида висолни баҳорга, ҳижронни кузга ўхшатади:

**Васл, англа ишқ боғининг
баҳоридин нишон,
Ҳажр, билгил, гар тилар бўлсанг
хазонидин мисол.**

Кейинги байт эса тўла маънода фалсафий мазмун касб этган:

**Бу чаман раънолари саркашлик
этгандан не суд
Ким, хазон торожидин эмин эмастур
бир ниҳол.**

Яъни чамандаги ҳар қандай гул ҳам, ниҳол ҳам охир-оқибатда хазонга, йўқликка маҳкум. Абадий гўзаллик, абадий навқиронлик даъвоси беҳуда. Бинобарин, инсон умри ҳам мангу эмас, ҳар биримизнинг қисматимиз тақдири азал қаршисида бош эгишдан иборат.

Мақтаёолди бу байт дафъатан ҳижрон туфайли инсон (ошиқ) қалбида туғилган қизгин ҳислар, тийрамоҳ фаслининг — ҳар қанча маҳзун бўлмасин — гўзал манзаралари, хазонрезги шамолларига бўй бермас яшнаган сарв дарахти, умуман, тириклик нафаси уфуриб турган шиддатли ҳолат ва картиналар билан парадокс ҳосил қилади. Киши кўнглида маънос туйғулар уйғотади. Аммо ғазал шу маҳзунлик билан яқун топмайди.

Аслида, тирикликнинг маъноси тақдири азални эслаб, теварак-атрофга шунга муносиб қарашда, умрни шунга муносиб кечиришда; инсонга берилган барча нарсаларнинг омонатлигини англаб, илоҳий бир тенгликни қалбан англашда эмасми? Ҳа, тириклик — илоҳий моҳиятни англаш учун инсонга берилган имконият. Шоир шунинг учун тирикликни улуғлайди. Умрни инсонга берилган бир тухфа деб билади. Ҳаёт шодликларини ҳар нарсадан устун қўяди. Шундан бўлса керак, ғазални кўтаринки руҳ билан ақунлайди:

**Эй Навоий, бу хазон ўлгай баҳор
ила бадал
Келса давлат гулбуни шаҳзодаи
соҳибжамол.**

Демак, маҳзунона фасли хазон баҳорга мубаддал бўлиши — алмадиниши мумкин. Бунинг шарти нима? Қачонки кўнглинг истар инсонлар ҳузуринга ташриф буюрса. Ҳазални мазмунан соддалиги ва унча мураккаб бўлмаган услубига кўра Навоийнинг ёшлик пайтларида ёзилган деб; агар шундай бўлса, «давлат гулбуни шаҳзодаи соҳибжамол» ёш Навоийнинг салтанат дардида юрган мактабдош дўсти Хусайн Бойқаро деб тахмин қилиш мумкин.

**Нодира АҲОҚОВА,
филология фанлари
доктори, профессор**



Харбий хизматда намуна кўрсатгани, машқларни аъло даражада бажаргани учун аскар Боймирзага уйига бориб келиш учун 18 кунлик таътил берилди. Қишлоқда кўпқарили тўй бўлаётган эди. Тўй бир ёқда қолиб, кўплашиб Боймирзани ўртага олишди. Хурсандчилик устига хурсандчилик кўшилди.

— Бўлди-да энди, — мулла Собир хотин-халаж, эркакларга буйруқ берди. — Аёллар, тўйхонани саранжом-сарийшта қилингллар. Эркаклар, кўпқари чопиладиган майдонга жўнангллар. Боймирза билан ўн беш кун бирга бўлиб, дийдорига тўясизлар.

Мардонкул жийрон отини Боймирзага ўнглади.

— Қани отга мин, улоқ чопишни соғингандирсан?

Кўпқари чопиладиган майдонга етганларида отларнинг чигили ёзилсин, чавандозлар терлаб олсин, деб шовулоқ чопилаётган эди.

— Ув-в, чавандозлар, — Боймирзага ишора қилди Зариф. — Узоқ юртлардан ошиб аскар келган. Бироз тек турингллар. Боймирза отини улоққа кўшсин қани...

Боймирза улоқни пойчасидан бургут чангали қилиб, илиб олди. Тақимига тортиб, отига қамчи тортиди. Қишлоқ шўросининг раиси Раҳмонкул аскарга кўштаким бўлиб, улоқни узиб олди. Хонимкул бориб раиснинг жиловидан ушлади.

— Номардлик қилдингиз, раис. Кўпқарининг ичида юрибсиз... Аскарни изза қилганингиз яхши иш бўлмади.

— Оринг келдимиз?, — қамчисини юқори кўтарди раис. — Улоқчи от сотиб ол. Кейин менга пўписа қиласан.

Тўй тарқалди. Кун узоғи Хонимкулнинг ҳовури тушмади. Кечкурун ака, амакиларини уйига таклиф қилди.

— Оғайни бўлсаларинг улоқчи от олиб берасизлар. Мен Раҳмонкул раиснинг олдидан бир ўтмасам бўлмайди. Камситганига чидаёлмайман.

— Ўғлим, — деди уста Эшқуват Хонимкулга далда бериб. — Раиснинг бачканалиги менга ҳам ёқмади. Фикрингга кўшиламан. Дублик Рўзибойнинг кўк биясини сотиб олганимиз маъқул. Бошқаси бекор. Бия бўлсаям — тулпор.

ШУРАЛШИ

Ёхўд Азиз чавандоз

Эшқуват ҳозир бўлганларга қаради. Ҳаммага бу таклиф маъқул тушди.

— Рўзибой кўк биясини сотармикан? — мулло Собирга юзланди Мардонкул. — Аввал, билиш керак. Кўнглини оғритмайлик, тагин...

— Ўртага Боқини соламиз, — уста Эшқуват Боқини топиб келишни буюрди... — Худони ўртага солиб, дўст тутинган. Боқи хостгор бўлиб борса, иш ҳал бўладими, дейман-да.

Кўк бияни сотиб олгандан кейин Хонимкул ўн беш кун арпа-емига қарашди. Қарилалми майдонида Равшан Тилов тўйининг кўпқариси чопиладиган бўлди. Хонимкул кўк бияни уч зотга кўшди. Аммо, кўк бия Хонимкулни тўда ичида қолдириб, чиқаберди.

— Бияга кучим етмади, — томошага ўтирган ака, амакиларининг олдига келиб бошини эгди Хонимкул. — Чавандоз топмасак бўлмайди.

Кечкурун яна Хонимкулнинг уйида кенгаш бўлди. Ўйлаб-ўйлаб чавандоз Азизнинг номзодига тўхталдилар.

Аммо, айтганлари бўлмади. — У Шўро раиси, мен кўл остидаги солиқчиси бўлсам..., — бош чайқади Азиз чавандоз. — Ор талашиб, ёқасидан ололмаيمان. Майиб қилиб юборади...

Яна Боқи ўртага тушди.

— Ота, ўғлингиз билан бир кечада туғилганман. Ўғлим деб юргангиз ёлғондакам экан-да.

Азиз мулзам бўлди. Ўрнидан туриб Боқини кучоқлаб олди.

— Кечир мени, ўғлим. Бир жон бўлса худо олади. Бияни тобга келтир.

Баҳор ойи. Қайрағоч майдонида кўпқари чопилапти. Азиз чавандоз Хонимкуллар кўшхонасига кўнди. Саксон-юз килолик така ёки таналарни тақимига босса, ҳар қандай

воҳ!» қилди.

Ўнг оёғининг тиззасидан пастки суяги синган эди. Шундан кейин тахтакаш қилинган оёғи тузалгунга қадар тўшақда ётди.

Оқсувлик Менглиқул бойнинг кўпқарили тўйининг гурунги бир ойдан бери эл оғзидан тушмади.

— Ота, мен ҳам шу тўйнинг томошасига борай, — ижозат сўради Азиз отасидан. — Оёғим тузалиб, от минишга яраб қолдим.

Кескин рад қилди отаси.

— Ҳали кўлингиздаги ҳассангни ташлаганинг йўғ-у... Яна бир фалокатни бошламоқчимисан?

— Тавба қилдим, — отасидан узр сўради Азиз. — Айтдим кўйдим-да. Қани сиз нима дейсиз деб...

Ота ўғлининг қайсар феълени билар эди. Кўнгли алағда бўлди.

— Азизга кўз-қулоқ бўлиб тур, — укаси Қузрашга тайинлади отаси. — Изимиздан кўпқарига борадиган чўти бор. Кўпқарига борса, ўзини тутиб туролмайди.

Кўпқари деса кўпқаридай... Беш юзлар чамаси улоқчи отлар бор. Кўйилган зотларини айтмайсизми? Энг паси бир қулун, бир қўй, бир тана, ғажари гилам... Тўдadan кўтарилаётган ҳовур туман бўлиб, осмонга ўрляпти. Баковул навбатдаги зотни эълон қилди.

— Бир ғунон от абзали билан, хўкиз, бир жуфт қўй, ҳафтранг кийиз, бир тангаси бор. Чавандоз отингни алмаштир, кучингни билангига йиғиб, ўзингни кўрсат. Яна

чавандоз такани узиб ололмас эди. Кўпқарида Раҳмонкул раиснинг тақимидаги такани уч марта суғуриб олиб, уялтириб қўйди. Кўк бия тобда экан, кўпқаридан 15 улоқ, 4 кўзи, ғажари гилам, ёқали тўн, сўйилган такани айирди. Кўкбулоқдан келган чавандозлар Азиздан гина қилдилар.

— Тўйдошмиз, оғайни, кўпқаридан куруқ қайтсак, уят бўлади. Инсоф қил... Бизларга ҳам навбат бер.

Азиз чавандоз қизишиб кетганини билди. Кўк биядан тушиб, чавандозларнинг бошлиғидан узр сўради.

— Мана, навбат сизларга. Мен энди томоша қиламан.

II

Бўладиган бола бошидан билинади. Азизнинг Рустами дostonдек келбати бор эди. Отни яхши кўрар, отасига эргашиб, кўпқарилардан қолмас эди. Йигирма иккига кирганидан сўнг отаси отга миндириб, оқ фотиҳа берди. Уша куни Анорбулоқ қишлоғида икки кунлик кўпқарили тўй бўлаётган эди. Азизнинг юраги кўкрагига сиғмаётгандек, билаклари кучга тўлгандек... Остидаги оти ҳам Азизнинг куч-ғайратига тенгма-тенг келмас эди. Изма-из уч зотни айирди. Отаси бориб ўғли минган отнинг юганидан ушлади.

— Бугунга бўлади, ўғлим... ҳали кўпқарилар кўп.

Шу кундан бошлаб Азиз эътиборга тушди. Бозортепа қишлоғидаги иккинчи кўпқарининг энг олди чавандози Азиз бўлди. Катта зотни айриб чиқаётганида отининг оёғи юмронқозикнинг уясига кириб, йиқилди. Чавандоз бўлса беш-олти метрга думбалоқ ошиб кетди.

— Кўзикди ўғлим! — Отаси «оҳ-

кўшдим... Мана шу чопилаётган така — соврин. Армонда қолма. Ҳалоллайсан! Арқон-жипга олиб, чаппа қайиш қилганинг бекор!

Азиз қайчиликларнинг кўшхонасига келди. Уни отдан тушириб олдилар.

— Менга от берингллар, — ёлворди чавандоз ўртоқларига. — Бир кўшилиб келмасам, ёрилиб ўламан.

— Оёғинг синган, дўстим, — илтимосини рад қилди Ўлжа чавандоз. — Тузалмаган бўлсанг... Ундан кейин, отанг бизлардан хафа бўлади.

Азиз дўстига ёлворди. Ўлжа отини белни тортиб, дўстига омад тилади.

Кўпқари давраси ари уясига ўхшар эди. Ҳайқириклар, тўс-тўпалонлар авжида. Азиз тўдага отини кўшди. Бироздан кейин тўда зуваладай бир томонга оғди. Азиз такани тақимига босиб, синган пойчани эгарнинг қошига ўраб олган эди. Йўл ахтариб, чўпчиб кетаётган отнинг жиловини чаппа қоқди. Анча масофадан кейин от жиловини яна чаппа қоқди. Учқур от тўдани орқада қолдириб, якка чиқди.

— Ҳалол! Ҳалол! Чавандознинг зотини берингллар.

Азиз зотга қарамай кўшхонага томон кўтарилди. Унга дўсти Ўлжа пешвоз чиқди.

— Оёғим синди. Мени отдан тушириб олинглар.

Суяк синган жойидан узилган эди. Отаси Азизни таниб кўшхонага келди.

— Энди оёғинг идираб, қуриб тушса ҳам боғлаттирмайман! — изига қайтди отаси. — Отасининг гапига кирмаган ўғил ўғилми?

Йиллар ўтди. Қанча кўпқарилар чопилди. Азизнинг чавандозлик

қилган жасорати тилларда дoston бўлди. Унинг ҳунарини икки ўғли давом эттирди.

Отчопар майдонида катта кўпкари бўлаётган эди. Катта зотни айриш анчайин қийин бўлди. Кимдир отни алмаштираяпти, кимдир чавандозни, Азиз чавандоз кексайиб қолган, фақат кўпкари томошасига келиб, ишқибозлик қиладиган пайтлари. Ўғли Норбала кўшхонага келиб, отдан тушди.

— Ота, — деди отасига мурожат этиб, — Али Ўрмонга айтинг отини менга берсин. Сайлов чавандозга бераман деяпти. Кўнглим ураяпти, мен шу зотни Али Ўрмоннинг бўзи билан айраман.

Азиз ўглининг ғайрати келаётганини пайқаб, раъйини қайтармади. Бориб Али Ўрмоннинг кўлидан бўзнинг жипжилловини тортиб олди.

— Отни менга бер. Шу зотга кўшиламан.

Обрў-эйтиборли Азиз чавандозга Али Ўрмон нима ҳам дерди. Мийиғида кулиб:

— Бир оғиз гапингиз, — қўлини кўксига босди Ўрмон. — Қишлоғимиздаги улоқчи отларнинг бари сизникидай гап. Эски ҳунарингизни бир кўрсатай депсиз-да.

Азиз чавандоз Али Ўрмон билан гап талашмади. Вақт зиқ эди. Отни ўғлига ўнглаб, унга оқ фотиҳа берди. Ўғли тўдага кирганидан кейин икки марта кўшхонанинг хилват жойига бориб келди. Қалби безовта, ҳаяжондан қўллари қалтирар эди. Така бўлса жуда оғир, улоқчи

шираётган ким, тўданинг ичида қолиб кетган саллани кўтариб келаётган ким? Аммо, така чавандознинг тақимидан тушмас эди. Чавандоз така пойчани харпанжа қилиб ушлаган экан.

— Панжалар бир-бирига ёпишиб қолган, — кимдир огоҳлантирди.

— Такани кўтариб панжаларни битта-битта бўшатиб олинглар.

Норбала келиб отаси Азиз чавандознинг оёғига бош урди.

— Кечиринг, ота. Мен сизга муносиб ўғил бўлолмадим.

Азиз чавандоз ўглининг эгилган бошини кўтарди. Норбаланинг кўз ёшлари бетини юваётган эди.

III

Азизнинг изини босадиган икки ўғли чавандоз бўлди. Норбала ўртамиёна, Чоршанби бўлса «ҳаҳ!» деса сафни ёрадиган, куч ва ҳунарга эга бўлди. У кўп йиллар Хўжамберди Назаровнинг тўриғини чопиб, доврүк қозонди. От чопиш, тўдага отни кўшиш, такани тақимига олиш ҳунарини ёш чавандозлар ундан улги олардилар. Тўриқ тобга келса, яқинига чавандозни йўлатмас, тишлаб, орқасини ўгириб бежогимлик қилар эди. Чавандоз мингандан кейин ўйноқлаб, қулундай гижинлар эди. Чоршанбининг улоқ чопиши бошқаларникидан фарқ қилар эди. Така бир томонда, Чоршанби бир томонда: хуржун усули. От тўдадан чиқса, устида чавандоз борлигини ҳеч ким пайқамас эди. У чиройли усулда чопар эди: Тоza ва

бир зотга беринг. Отамнинг жўрасисиз-ку?! Кеча тушимда сизнинг отингиз билан зот айрибман.

Меҳмон кулди.

— Айёр бола экансан. Майли, сазанг ўлмасин.

Нурали тўй кунини интиқлик билан кутди. Кўпкари томошасида ўтирибди-ю, хаёли меҳмонда. «Лафзида турадиган одам, албатта отини беради». Тўйдан кейин отасининг жўраси яна уйларига меҳмон бўлди.

— Мендан хафа бўлдинг-а?, — рўйхуш бермаётган Нуралини олди га чақириб олди. — Катта чавандоз отни сўради. Кейинги кўпкарида отни бир зотга сенга бераман. Гапим-гап.

Нурали эшагини миниб олтиш чақирим узоқликдаги Шўргузэр қишлоғида бўладиган кўпкарига эргашиб келди. Меҳмон лафзида турди. Отини якка чирги қилиб, белини тортиб Нуралига берди.

— Уша кунги қувонгим, қувончим сира эсимдан чиқмайди. — Биринчи зот айирган кунини эслайди Нурали чавандоз. — Биринчи зот, кейин иккинчи, учинчи зотни измаиз «ҳалол!»ладим. Отни бўлса эгасига бергим келмас эди. Томошбинлар, чавандозлар менга қизиқсиниб қолдилар. Отамнинг жўрасини айтмайсизми? Мени отдан тушириб, қучоқлаб олди.

Нурали шу кундан бошлаб эйтиборга тушди. Отини ўнглайдиган, хушомад қиладиган отбозлар

ҳаволаниб чопар эди. Азаматхон, Умбархон эшонларнинг отларини узоқ йиллар чопиб, катта-катта зотларни айриб келди.

Кўшқул қишлоғида кўпкари бўлди. Аттипир чавандоз Нурали чавандозни шу кўпкарига тақлиф қилди. Боқиев деган отбознинг отини миниб, етти зот айирганидан кейин, ўртада жанжал чиқди.

— Арқон-жип солиб чопаяпти, — баковулни ўртага олишди чавандозлар. — Кучи филдай бўлган чавандоз ҳам етти зотни изма-из ташлай олмайди. Баковул бўлсанг ялонғочлаб, текшириб кўр.

Нурали тўда ичида, издиҳом олдида ялонғоч бўлди. Бу тортишувдан мулзам бўлган чавандозлар Нурали чавандозга тан бердилар. Қони кўпирган чавандоз Рустам кўрнинг отини сўраб минди. Отнинг тулкидай найранги бор экан, тўрт марта — зовдан ирғиб чиқиб, зотларни «ҳалол!»лади.

Шундан сўнг Панжи, Бойпўлат, Қамбар, Нурхон, Шоди, Омон, Ибройим, Алпон, Юсуф, Қаҳҳор, Нормўмин чавандозлар Нурали чопанга тан бериб, яқин йўлдош, дўст-касбдош сифатида ҳурмат қиладиган бўлдилар.

Шоди полвон Қизилтом қишлоғидаги кўпкарида Оқёл отини Нуралига берди. Оқёл бегона чавандозни миндиргани кўймас эди. Нурали бир амаллаб, отни минди. Бир йўналишда: томорқанинг тош қалогидан ирғиб ўтиб, тўрт зот айирди.

Ҳар бир чавандоз Туркменистонга бориб, кўпкарида қатнашишни орзу қилади. Нурали чавандозга бу орзу тинчлик бермади. Уларнинг кўпкариси ёзда бўлар экан. Отини миниб йўлга тушди. Қизқувди деган овулга борди. Уни ҳеч ким танимас, эйтибор бермас эди. Иккинчи кун Кўргонча овулига йўл олди. Эмир кал деган бой кўпкари бераётган экан. Юрган йўл азобиға кўймади. Сурхондарёлик чавандозларни кўриб, қувонди. Саттор туркменининг отини олиб бердилар. Тўрт юз сўм пул, бир той, туркман гилам, бир туя, мотоциклни айриб чиққанидан сўнг Нурали чавандоз қўл-қўлга тегмади. Эртаси кун яна бир кўпкаридан икки зот айирди. Ўн беш кун ичида кўпкарилардан 4 от, 5 туя, 16 хўкизча, 20 та қўй ва бошқа зотлар айирди. Аммо, бу зотларни олиб келишнинг иложи бўлмади.

Нурали 25 йил чавандозлик шаънини оқлади. Шунча йиллар давомида у қатнашган, ор талашган кўпкарилар тафсилотини гапириб бериш учун кўп вақт керак бўлади. Воқеалар ҳикоясининг охир-адоғи йўқ.

— Мен, — дейди Нурали чавандозлик қилган йилларни хотирлаб, сулоламизни: Отам Азиз чавандозни, акаларим Норбала ва Чаршанби чавандозларни, Қаҳҳор, Юсуф, Бойпўлат, Варот чавандозларнинг жасоратини улуғлашга ҳаракат қилдим. Битта ҳақ гапни айтмоқчиман... Бу ҳунар менга фақат шараф, обрў келтирди. Мен элимни, элатдошларимнинг обрўини учун ор талашдим. Бундан фахрланаман. Оёқ-қўлим синди. Бошим ёрилди, от тишлади... Лекин йўлимдан қайтмадим.

Давр, замон ўзгарди. Бу жасоратларни эшитган янги авлод ажабсиниб, эртакка ўхшатса, ажабмас. Аммо шуниси борки, удумларимиз, анъана тўйларимиз давом этади. Оталар жасорати, фарзандларга ибрат ва мерос бўлиб қолаверади. Юртимиз тинч экан, элимиз тўқ ва фаровон яшаётган экан тўйларимиз, кўпкариларимиз кўп бўлиб, баркамол авлоддан Нурали чавандозга ўхшаган шер билакли, Алпомиш сиёқли чавандоз ва полвонларимиз кўплаб етишиб чиқишига ишонимиз.

Тургунбой БОЙМИРОВ,
Қамаши тумани

ЧАВАНДОЗ

сулоласи ҳақида

терма отлар кўп эди. Тўда Азиз чавандознинг кўшхонаси томон оғди. Бўзнинг шундай одати бор эди. Така ўзида қолса, кўшхонани бир айланиб, такани якка қилар эди. Азиз чол сезди. Така Норбала ўглининг тақимида. У қўлини пешонасига соябон қилиб, тўдани кузатди. Ўзи билмаган ҳолда тўда томон борар эди. Кимдир бориб тўхтатди.

— Чавандоз, майиб бўлгингиз келаяптими?

Туман тарқалиб равон йўл кўрингандек, тўда икки томонга айрилди. Бўзнинг йўли очилиб, имтилиб келаётган эди. Талашиб, «ушла-торт!» бўлган кучлар Норбаланинг тинқасини куриштириб, қўллари толиқтирган эди. Бакавул «ҳалол, бўлди!» дейман деганида, така ерга тушди. Норбала бўзнинг ёлига бетини босиб, «Уҳ-ҳ!» деб юборди. У отасидан юзини яширди. Азиз чол бўзнинг юганидан ушлади.

— Туш-э отдан... Узангига оёқ кўйиб, эгарга миниб олди. Отни якка жилов қилиб, изига қайтарди. Ерга тушган такага отни миндирди.

— Чавандозлар, кўзларингга қаранглар. Такага узалаётган устозимиз Азиз чавандоз. Йўл беринглар.

Хурмат, қадрлаш хислати бор-да, одамларимизда. Азиз чавандозга ёрдан бердилар. Такани тақимига олгунича тек турдилар.

— Қара, така Азиз чавандозда, — шовқин берди чавандозлар.

— Кўйма, қув-в!

Қора терга бутган бўз кўшхона томон қушдек учди. Кўшхонани бир айланганидан сўнг, бакавул чавандознинг зотини «Бўлди, ҳалол!», — деди. Бўзнинг юганидан ушлаган ким, Азиз чавандозни қучоқлаб ту-

ҳалол! Бу унинг шиори.

IV

Полвонлик, чавандозлик ҳам суяқ сураркан. Аслинга, наслинга тор-тасан, деганлари тўғри экан. Нуралининг икки акаси чавандозлик қилиб, от чопганда у энди мўйловлари сабза уриб, овози дўриллаб қолган йигитча эди. Кўпкарилардан қолмас, акалари отини совутиб, эгарлаб, ағнатиб, қошиғичлаб берар, кўпкаридан айирган кўзи, улоқ таналарни ҳайдаб уйга олиб келадиган дастёр эди. Тўй мавсуми тутагач, ҳар тарафдан отасининг таниш-ўртоқлари, чавандозлар уйларига меҳмон бўлиб келар эди. Гурун кўпкари таассуротлари, чавандозлар ҳақида ҳикоялар билан тонг бўзарар эди. Нурали бу гурунларни мароқ билан тинглар, қалбида чавандоз бўлиш ҳаваси тугён урар эди.

— Амаки, отингизни сўғориб келайми? — сўрар эди Нурали меҳмондан. — Арпасини берадиган вақт бўлди.

У отни миниб булоқдан сўғориб қайтгунча от тўрвасини ерга ташлаб «улоқ чопиб» қайтар эди. Бир кун отасининг ўртоғи уйларига меҳмон бўлди. Отаси кўзи сўйди. Кечаси гурун авж олди. Тун ярмидан оғди. Хўрозларнинг узун-қисқа қичқиргани қулоққа чалинди.

— Энди дам олсақ ҳам бўлади, — ўртоғига тақлиф киритди меҳмон. — Қолган гурунни эртага қиламиз. Сиз ўрин солдиринг... Унгача мен отдан хабар олиб келаман.

Азиз чавандоз меҳмонга Нуралини кўшди.

— Амаки, — деди Нурали меҳмон билан якка қолганидан фойдаланиб, — эртадан кейин Декморонда кўпкарили тўй бўлади. Отингизни

кўпайиб қолди.

Кўкбулоқ қишлоғида икки кунлик кўпкари бўлди. Қизилмазорлик чавандозларнинг омади келмади. Иккинчи кундаги кўпкарининг зотлари ҳам насиб қилмади. Кекса чавандоз Эсан полвон Рўзиев кўшхонага келиб йиғлади.

— Ҳай, аттанг! Давр ўтар экан. Мен қандай чавандоз эдим-а? Уят! Уят!

Кўзи Нуралига тушгач, ёнига чақириб олиб, ундан умид қилди.

— Хоннаевнинг отини олиб берсам, кўпкарига қўшилсанми? Ори-мизни олиб бер ёки мени шу ерга кўмиб кет.

Нурали энди кучга тўлган, ғайрати тошган ёшда эмасми, рози бўлди.

— От тобда экан, эгасининг атрофида тек турмай айланаяпти. Тўдага киргандан эълон қилган зотни Нурали айриб чиқди. Тўқли чавандоз Асадов Нуралини сўйди.

— Нуралининг гўжури келганга ўхшайди. Аъзам Эшбековнинг отини келтиринглар.

Нурали такани тақимига босганида «қўйма-қўйма!» бўлди. Ҳар тарафдан тарафқашлик қилиб, йўл бермадилар. Кимлардир отни жиловлаяпти. От ўзини дарёга ташлади. Дарёдан кечиб ўтгандан сўнг такани ташлади. От ўзини ташлаган жарлик тўрт-беш метрлар баланд эди. Нурали уч зот айирди. Қишлоқдошлари кўнгиллари тоғдек кўтарилиб кўпкаридан қайтдилар.

Нуралининг номига «чавандоз» унвоини кўшиб айтиладиган бўлди. Чавандознинг доврүги тоғлар ошиб, эл аро машҳур бўлди. Айниқса, Сафарқул Ҳайитов, Хўжамберди Назаровнинг номдор улоқчи отларини чопганида обрўини яна ошди. Бу отларнинг ҳунари Нурали чавандознинг кучига, эпчиллигига мос келар эди. Нурали бўлса отлардан завқ олиб, такани тақимига олмай,

Инсон бирор нарсага меҳр қўйиши, ўйлаши мумкин. Бироқ бу иштиёқ маълум меъёр ва чегарадан ошса, инсоннинг ақлу ҳуши-ни ўғирлаб, ўзини, ўзлигини унутиш даражасига олиб келиши мутахассислар тилида фанатизм деб номланади. Хўш, фанатизм ўзи қандай тушунча, у нимаси билан хатарли? Саволларимизга жавоб топиш мақсадида психология фанлари номзоди Нигора Шомуродова билан суҳбатлашдик.


— Нигора опа, фанатизм ва фанатликка қандай таъриф берса тўғри бўлади?

— Фанатизм маълум соҳа ёки объектга ишқибозликнинг меъёрдан юқори даражаси ҳисобланади. Фанатизм аслида оддий қизиқишдан бошланади. Бора-бора қизиқиш объектга таллуқли маълумотларни тўплаш, ҳаммаслақлар топиш, суҳбатлашиш, ўйлаш, бир сўз билан айтганда, муккасидан кетиш ҳолати рўй беради ва инсон ўзи билмаган ҳолда руҳан тобе бўлиб қолади. Буни биз фанатизм деймиз. Масалан, компьютер ўйинлари фанатларини олайлик. Улар шундай психологик адаптация ҳосил қилганки, агар ўйнамаса, ўзини беҳаловат сезади. Улар табиий эҳтиёжлар: овқатланиш, ухлашни унутиб ҳам соатлаб ўйнашлари мумкин. Хорижда шунинг натижасида охири ўлим билан тугаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Яна бир ёмон томони, фанатизм эҳтиросга берилувчанликка олиб келади. Бу ондан холи ҳолат бўлиб, онг фаоллиги, мувозанатидан четланиш кузатилади.

Фанатларнинг муштлашиб кетиши, одоб-ахлоқ меъёрларини унутиши бунга яққол мисол бўлади. Уларда ўз-ўзини бошқаролмаслик, назорат функцияси оқсай бошлайди. Фанат ўтказаетган вақтини таҳлил қилолмай қолади.

— Фанатизмнинг шундай ёмон оқибатлари бор экан, нега одамлар ундан воз кечолмапти? У нимаси билан кишиларни ўзига жалб қилмоқда?

— Гап шундаки, фанатлар маълум соҳага қизиқиши ортидан хузурулиши онларини бошдан кечирилади. Футбол фанатларини оладиган бўлсак, реал ҳаётдан узилиб, гўёки ўзлари ҳам



ФАНАТИЗМ

Ишқибозликми ё касаллик?

футбол ўйнаётгандек, майдонда тўп сураётгандек берилиб кетади. Жамоаси юзқизиби қўйса, кайфияти бузилиб, атрофдагиларга бақириб-чақириб, муштлашиб кетишдан ҳам қайтмайди. Қайд этиш керакки, фанатизм бир соат, бир кунда пайдо бўлмайди. У ойлаб, йиллаб шаклланади, инсон онги ва руҳига сингиб кетади.

Калаванинг учини оиладан ахтариш керак. Боланинг нимага қизиқиши, қайси сўзларни кўпроқ ишлатиши, қайси мавзуда жўшиб, тўлиб-тошиб гапиришига эътибор беринг-а. Мана шу мавзу, соҳа келажакда уни фанатликка етаклаши мумкин. Турли тўғаракларга қатнаш, дўстлар билан ўйнаш баробарида бола ўзига энг маъқул бир нуқтани танлайди ва шу нуқта унинг энг кўп вақт ўтказадиган, сарфлайдиган маконига айланади. Буни ота-она кузатиб бориши ва таҳлил қилиши, агар ижобий бўлса, рағбатлантириб, салбий бўлса, вақтида олдини олиши керак. Бир сўз билан

айтганда, фарзандининг қизиқишини тўғри йўналтира олиши зарур.

— Баъзилар фанатизмнинг ижобий томонлари ҳам борлигини таъкидлашади. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Бу гап айна ҳақиқат. Зеро, ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган соҳаларга фанатлик қилиш инсоннинг руҳий ва ақлий камолоти учун хизмат қилади. Масалан, ўсимликлар ва табиат олами фанатларини олайлик. Гул фанатлари ноёб гул турларини тўплаш, ўрганиш орқали гулларга ошно бўлади, уларни ўстиради, парвариш қилади. Ҳатто бўғимчалари, баргининг ҳолати, ўсиш муддатлари — барчасини билишга уринади. Бу инсонда меҳр бериш, меҳр улашиш каби туйғуларни шакллантиради. Эстетик дидни тарбиялайди.

— Фанатизмда ёш хусусиятлари қанчалик аҳамиятга эга?

— Фанатликка мойиллик кўпроқ ўсмирлик даврида

пайдо бўлади. Айна шу палла у ёки бу соҳага муносабат кучаяди. Маълумки, ўсмирлар ўзини ҳамма нарсага қодир деб билади, гўё унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ўзини мустақил шахс сифатида намоён этишга ҳаракат қилади. Шундай ҳис-туйғуларга тўла, кучи ўзига сиймай бораётган ўспиринлар

ни, қийқираётгани ва ҳоказоларни билади ҳамда ўзини ушлай олади. Фанатларда эса лукас назоратининг огиши юқори бўлади. У қай бир вазиятда меъёрдан чиқиб кетаётганини таҳлил қилолмайди. Энг ёмони, фанатлар ўзи буни сезмайди, сезса ҳам тан олмайди. Бу қийноқлар у

фанатизмга кўпроқ берилишини тадқиқотлар тасдиқлайди. Шунингдек, кексалик даврида ҳам фанатликка мойиллик ошади. Инсон қариган сари жисмоний қуввати етмаса-да, ички энергия, ғайрат унга куч беради. Маълум машғулотга боғланиш иштиёқини ҳосил қилади. Кексалар орасида кино фанатларини кўп учратамиз. Телевидение орқали берилаётган барча сериал, филмларни қолдирмай кўрадиган кексалар талайгина. Ўрта ёш даврида эса иш, оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси билан машғуллик фанатизм чекинишига олиб келади.

— Нима деб ўйлайсиз, фанатизм касалликми? Агар шундай бўлса, унинг давоси қандай?

— Фанатизм аслида хасталик эмас. Хоббини олайлик. Одам севимли машғулоти билан шуғулланса, чарчоғини енгади, салбий эмоциялардан халос бўлади, куч олади. Фанатизмда ҳам инсон енгил тортиб, хузурулиниб, завқланади. Лекин оддий хобби, мухлисликдан фарқи томони шундаки, фанатлар ўз-ўзини бошқаролмай, сарфлаётган вақтини таҳлил қилолмай қолади. Шу сабаб ҳам у касалликми деган савол туғилади. Психологияда лукас назорати, деган тушунча бор. У инсон ўзининг хулқатвори меъёрдан оғаётганини сезиш ёки сезмасликни аниқлатади. Оддий томошабин, мухлисида лукас назорати мавжуд. Қарсак чалаётга-

учун завқли қийноқ.

Фанатлардан атрофдагилар азият чекиши мумкин, лекин бу улар учун роҳат. Фанатизмдан халос бўлиш, «даволаниш» узок муддатли мураккаб жараён. Фанатларга у учун юқори мавқега эга, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган, илтимосини рад қилолмайдиган одамлар орқали таъсир этиш имкони бор. Ана шундай таъсир кучи юқори бўлган дўсти, севгилиси, яқин қариндоши аста-секин тушунтириб, яхши муомалада бўлиб, насихат қилиб, биргаликда вақтини бошқа машғулотлар томон буриб юбориш мақсада мувофиқ, Унга ишонч билдириб, «сиз иродали одамсиз, албатта бундан воз кеча оласиз, ҳаётингиз мазмуни фақат шундан иборат эмас», деб ишонтириш яхши натижа беради.

Фанатизмни мен ижтимоий наркотик деб атаган бўлардим. Сабаби унинг ҳам хумори тутуди, адаптация, мойиллик ҳосил қилади. Шу боис ундан бирданнига кутулиб бўлмайди. Айниқса, мажбурлаш наф келтирмайди.

Фанатлик орқасидан бахтсиз бўлиб қолганлар, турмуши бузилганлар, ҳаёти издан чиққанлар, касб-коридан айрилганлар бор. Шундай экан, кишилар ўз қизиқишлари ва хоҳиш-истакларини жиловлай билиши, инсон номига муносиб ҳаёт кечириши лозим.

Суҳбатдош:
Шоҳсанам НИЁЗОВА

САРИМСОҚНИ САССИҚ ДЕМАНГ

Саратоннинг олдини олиш учун, аввало, организмни сурункали хасталиклардан эҳтиёт қилиш керак. Масалан, йўғон ичакнинг узок вақт яллиғланиши раққа олиб келади. Унинг олдини олишни истасангиз саримсоққа тенг миқдорда сирка ва асал қўшиб ҳар куни истеъмол қилинг. Натижасини тезда кўрасиз.

Юрак фаолиятини яхшилашда ҳам саримсоқ, асал, сирка аралашмасидан тайёрланган шарқона дорининг фойдаси катта.

Бунинг учун бир қошиқ сирка, шунча миқдорда асал ва бир неча саримсоқ бўлақларини бироз сув қўшиб кичикроқ чойнакда қайнатасиз. Тайёр бўлган хузурубаш ичимликни кунига уч маҳал икки қошиқдан ичиб юрсангиз, юрак фаолиятингиз яхшиланади.

Тиш оғриганда сирка ва асалга бўктирилган саримсоқ бўлақчаси тиш орасига қўйилади.

Гипертония хасталигида икки стакан сувга ўн олти бош саримсоқ, икки ошқошиқ сирка ва шунча миқдорда асал қўшиб ярим соат қайнатиб, кунига уч маҳал икки қошиқдан ичиб юрилса, қон босими маромига келади.

Шамоллаш эндигина бошланаётган бўлса, саримсоқни тиш чўткаси устига қўйиб, оғиз ичида икки дақиқа ушлаб туринг. Саримсоқ таркибидаги кучли модда хавфни дарҳол қайтаради.

Узоқ яшаш инсоннинг ўз қўлида деган гапда катта ҳикмат яширинган. Қариш жараёнини тўхтатиб бўлмаса ҳам уни секинлаштириш мумкин. Билим даражаси ҳам инсоннинг умрига таъсир қилар экан. Одатда билимдон профессорлар узоқ умр қўриши ҳам шундан бўлса керак. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, эрақлар қанчалик билимдон ва юқори савияли бўлса, шунчалик кўп умр кўраркан. Минг афсуски, бу ҳолат аёлларда тескари бўлиб, улар ўз билимларини оширишда кўп асабий ҳолатларга дуч келишар экан.

Узоқ яшаш учун

Узоқ умр кўришда ёруғликнинг ҳам таъсири бор экан. Шимолда яшайдиган одамларнинг тез қаришида нафақат оғир иқлим шароити, балки тунларнинг ёруғ бўлиши сабаб бўларкан. Негаки, инсон организм учун фойдали бўлган кўплаб моддалар айнан қоронғи пайтлардагина ҳосил бўлар экан. Шу боис уйкуга кетиш олдида тунги чироқ, компьютер, телевизорни ўчириб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Кўча чироқларидан ҳимояланиш учун дераза пардаларини ёпиб ётиш соғлиқ учун янада самаралидир. Уйку саломатлигининг муҳим омил бўлса, қоронғида ухлаш умрни узайтиришнинг ишончли манбаидир.

Гўзал ва соғлом бўлиш учун олти соатдан кам ва тўққиз соатдан кўп ухламаслик керак. Мутахассис олимларнинг кузатишларича, ҳафтада тўрт марта уйкусузликни бошидан кечирган аёллар кўрак са-

ратонига икки баробар кўп чалинишар экан.

Тўғри, турли пардоз усулларидан фойдаланиш, юзни уқалаш ҳам одамнинг чиройли кўринишига ёрдам беради. Аммо, барибир, табиий гўзалликка етмайди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини пластик идишларда сақлаш ҳам саломатликка путур етказар экан. Ушанақа идишлар таркибидаги зарарли моддалар, айниқса, ўғил боланинг гармонларига таъсир қилиб, ҳатто бепуштликка ҳам олиб келиши мумкин экан.

Яхшиси, болаларни эҳтиёт қилиш учун шиша идишлардан фойдаланган маъқул. Агар енгил ва қулай пластик идишдан фойдаланмасликнинг иложи бўлмаса, идишга овқатни иссиқ ҳолда қуймаслик ва қиздирмаслик керак.

Мутахассис тавсияси



Кийим инсонга кўрк берибгина қолмай, унинг дунёқарашини, маънавий олами ҳақида ҳам муайян тасаввур уйғотади. Нозик жиҳати, эгнимиздаги либос ён-атрофдагиларнинг бизга муносабатини ижобий ёки салбий томонга ўзгартиришга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Кийим танлашда нималарга эътибор қаратиш лозим? Бу масалада мутахассисга мурожаат қилиб, унинг фикр-мулоҳазалари билан танишдик.

ЯРАШГАНИНИ КИЙИНГ

Раъно ХҲЖАЕВА, дизайнер-услубчи:

— Яхши кийиниш ўзига хос санъат. Уни эгаллаш учун мода талабларига риоя қилибгина қолмай, дидимизни ҳам тарбиялаб боришимиз керак. Яхши дид, аввало, орасталликда намоён бўлади. Яъни, либос билан пойабзал, бош кийими, сумка, қўлқоплар ранги ва шаклларининг уйғунлигида кўринади. Кийинишда бачканаликка йўл қўйиш эса дидсизлик белгисидир.

Ҳар бир киши ўз табиий нуқсонларини ҳис қилиб, уни бошқаларга сезилмайдиган қилиб кийинмоғи лозим. Либос танлаётганда ёшни ҳам эътиборга олиш керак. Ёш қизлар спорт кийимлари бичимида кийинадилар, очик рангли гулдор либослар уларга кўпроқ ярашади. Ўттиз ёшдаги аёллар диди (шартли равишда) урфга асос сифатида қабул қилинган. Ёш ўтиши билан юзага келадиган айрим нуқсонларни кийим ва пардоз билан яшириш мумкин. Тўладан келган аёллар жуда ҳам

одми кийимларни танламаслиги, ортиқча вазнини сездирмаслик учун, айниқса, қорамтир либосдан воз кечишлари керак. Шунингдек, йирик, ётиқ қатор гулли, ранглари ўзаро номувофиқ мато ҳам тавсия қилинмайди. Уларга гули майдароқ, тик йўл-йўл, гулларининг ранги ўзаро мувофиқ матодан тикилган кийимлар жуда мос келади. Новча ва озгин аёлларга эса катак ёки бежирим безатилган кўйлак жуда ярашади.

Умуман олганда, либоснинг шакли ва кўриниши мавсумга, шароитга, кишининг табиати, гавдаси, касби, машғулотига боғлиқ. Шуни унутмаслик керакки, кийим нафақат кўринишимизга зеб беради, саломатлигимизни ҳам муҳофаза қилади. Шу боис либос танлашда унинг шаклу шамойили билан бирга матосининг толаси, қулайлигига ҳам эътибор қаратсак, фойдадан холи бўлмайди.

Билиб қўйган яхши!

Ош тузининг фойдали жиҳатларини ҳамма ҳам билавермайди. Қуйида унинг уй юмушларида асқотадиган айрим хусусиятларини келтириб ўтамиз.

ЯҚИН КЎМАКЧИ

Кечкурун туз сепиб қўйиб, эртаси уни нам латта билан артилган гиламнинг ранги янада очилади.

Дераза ойнаси ва кўзгу шўр сувда яхшилаб ювилса, типтиник бўлиб қолади.

Краҳмалга бир сиқим туз қўшилса, ювилган кир яхши оқаради.

Шу тарзда ювилган буюм соғуқда қотиб қолмайди.

Совуқ шўр сувда ювилган буюмларнинг ранги бузилмайди.

Сувга озгина туз солинса, грелкадаги сув узоқ вақт иссиқ туради.

Тиғи намақобда ярим соат сақланган ўтмас пичоқ осон чархланади.

Тўғралган пиёз ва шолғом туз солинган сувда анча пайтгача айнимай тураверади.

Қуйган сутга озгина туз сепиб совутилса, унинг мазаси яхшиланади.

Плитага сачраган сут доғига туз сепсангиз, ҳиди йўқолади.

Туз қуруқлигича сақлансин десангиз, туздонга 3-4 донга гуруч ташлаб қўйинг.

Янги товани ишлатишдан аввал, ички томонига бир текис туз сепиб оловда қиздирилади. Кейин това ўша туз билан ишқаланиб, ёғ суртилади ва яна ўтда қиздирилади. Шунда бу буюм анча йиллар сизга хизмат қилади.



КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОФИРИ ЙЎҚ

Рўзгорда ишлатиш жараёнида қайчилар тез-тез ўтмаслашиб қолади. Шундай пайтда уни ташлаб юбормасдан, яна ўткирлаш мумкин. Бунинг учун нина қайчи билан «қирқилади», яъни қайчининг кесувчи томонлари игнага перпендикуляр ҳолатда 10-12 марта ишқаланади.

Қайчиларни қумқоғозларни кесиш йўли билан ҳам ўткирлаш мумкин.

Мабода уйингизда эски чарм қўлқоплар бўлса, уларни ташлаб юборманг. Ушбу буюмдан палто ёки костюм тугмалари учун тагликлар кесишда фойдаланса бўлади. Бундай таглик қўйиб тикилган тугмалар ўрни ҳеч қачон йиртилмайди.

Қалин матони тикаётганда қийналмаслик учун нинага совун суриш керак.

Гилам ёки жун поёндоздаги йиртиқларни бекитиш учун улар тегишли рангдаги ипақлар билан тўрлаб ямалади. Бунда илмоқлар буюмнинг юза томонида бўлиши керак. Сўнгра улар буюм туклари билан бир текис қилиб қайчида қирқилади.

Тикув машинасида резина ёки силлиқ материални тикиш учун уларнинг чок ўтадиган жойларига шам суриш керак.

Юз парвариши


Мевали ниқоблар

Ҳар бир аёл қайси ёшда бўлмасин, гўзал ва мафтункор бўлишни хоҳлайди ва шунга интилади. Бироқ аксарият хотин-қизлар гўзаллик салони ҳамда косметологга боришга вақт топа олишмайди. Шу боис уй шароитида табиий маҳсулотлардан тайёрланган ниқоб ва кремлардан фойдаланишни маъқул кўришади. Севиб истеъмол қиладиган мева ва сабзавотлар янада латофатли кўринишимиз учун ҳам фойдали восита бўлади. Ниқобларни тайёрлашда маҳсулот танлаш ва уни тўғри қўллаш тери парваришида катта аҳамиятга эга. Аммо, унутмаслик керакки, баъзи ниқоблар акс таъсир қилса-тиши мумкин. Бунинг учун мутахассис кўрсатмасини олиш мақсадга мувофиқ.

Косметолог тақдим этган мевали ниқоблар тайёрлаш усулини сизга ҳам тавсия қиламиз.

Олманинг барча тури витаминга бойдир. Бундан ташқари, ушбу мева бўлаги билан қўлнинг дағаллашган терисини массаж қилиш мумкин. Лекин бу муолажадан сўнг қўл терисига озиклантирувчи крем суртишни унутманг. Товонларнинг ёрилишида ҳам олмадан тайёрланган аралашма яхши ёрдам беради. Олмани майда бўлакларга ва сутга қўшиб, бўтқа

ҳолига келгун-



ча қайнатинг. Уни ёрилган жойга қўйиб, полиэтилен пакет билан ўранг ва 30-40 дақиқа ушланг. Озгина сариеғ қўшилса, бу самарали малҳам вазифасини бажаради.

Олма шарбатининг асосий қисмини аскорбин кислотаси ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу мева юзга эрта ажин тушишининг олдини олади. 30 ёшдан ошган аёллар терини С витамини билан озиклантирувчи ниқоблардан фойдаланишлари лозим. Қирғичдан чиқазилган олмани бир чой қошиқ зайтун мойи билан аралаштиринг. Сўнгра ниқобни юзга суриб, 15-20 дақиқа ушланг ва илиқ сувда юйиб ташланг. Қизаришга мойил юз териси учун қуйидаги ниқоб тавсия этилади. Майдаланган олмага икки ош қошиқ ун ва 1 та тухум сариғи қўшилади.

Нокдан ҳам антиқа ниқоб тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 100 гр. гуручни сувда қайнатиб, бўтқа


ҳолига келтиринг. Нокни қирғичдан ўтказиб, гуручли бўтқа билан аралаштиринг. Ниқобни юзга суртиб 15 дақиқа ушланг. Нок терини тозалаш хусусиятига эга. Ушбу ниқоб ёғли ва муаммоли юз учун фойдали.

Маза қилиб истеъмол қиладиган маҳсулотимиз — помидор эса юракка қувват бериб, бўйракни тозалайди ва терини яшартиради. Парҳезшунос олимлар фикрига кўра, доимо соғлом ва жозибали кўриниш учун ҳар кун бир стакан помидор шарбатини ичиш керак. Ёғли тери учун ниқоб тайёрлашда серсув, яхши пишиб етилган помидор танлаб олинади. Иккига бўлинган помидор шарбатини ичиш керак билан суртилади. Қуруқ терига эса аввал бирор ўсимлик мойи суртиб, сўнг уни помидор бўлакларини билан озиклантириш мумкин.

Унутмайликки, гўзаллик фақат ташқи қиёфа билан ўлчанмайди. Аёллар ширин сўзи, муомаласи, шарму ҳаёси ва намунали юриштириши билан ҳам латофат ва нафосат соҳибасидир.

Гўзал НОРЧАЕВА тайёрлади.

ХОДИМЛАР ҚИСКАРТИРИЛМАЙДИ



Париж апелляцияон суди Франциядаги автомобил ишлаб чиқарувчи йирик компания — «Peugeot Citroen»нинг тизимни такомиллаштириш тўғрисидаги режасини амалга оширишни тўхтатиб қўйди.

Концерн маъмурияти ўтган йили июль ойида 8000 нафар ишчини қисқартириши тўғрисида баёнот берган эди. Режани амалга оширишга Франциянинг бир қатор шаҳарларидаги корхоналар ёпилиши эвазига эришиш кўзда тутилган эди. Маъмурият ушбу чораларга Европада автомобилларга бўлган талабнинг кескин камайиши натижасида қўл урган. Бироқ қисқартирилган ходимларга бошқа иш ўринлари таклиф қилинишини айтган.

Таъкидлаш керакки, концернга тегишли Ольне-су-Буа шаҳридаги автомобил заводи ёпилиши Франциянинг сўнгги йиғирма йиллик тарихида биринчи марта машина ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятининг тугатилиши бўлади.

Лекин, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар тайёрловчи «Faugèsia» корхонаси касабани уюшмаси тизимни такомиллаштириш режасини бекор қилишни талаб қилди. Касабани уюшмаси концернни ўзи билан боғлиқ бошқа заводлар ходимларини огоҳлантирмаганликда айблади.

ИЛГАРИ КУЗАТИЛМАГАН ҲОЛАТ

Испанияда ишсизлар сони 2012 йил якунларига кўра 5 965 400 нафарни ташкил этди. Аҳолининг 26,02 фоизи ишсиз қолиши мамлакат тарихида ҳали кузатилмаган эди.



Расмий маълумотларни давлат миллий статистика институти эълон қилган. Уларга кўра, ўтган йили ишсизлар 850 500, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар эса 158 700 кишига ортган.

25 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида эса ишсизлик 55,13 фоиз, ёшлар ўртасида 74 фоизни ташкил қилди.

Шунга қарамай, қишлоқ хўжалиги соҳасида бандликнинг ортиши кузатиляпти. Ўтган йили 63 700 киши соҳада фаолият бошлаган. Хизмат кўрсатиш тизимида 305 600, қурилиш соҳасида 62 900, саноат тармоғида 58 500 нафар ходим қисқартирилган.

RASSOR деб номланган робот экскаватор 45 килограмм оғирликка эга бўлиб, тортиш кучи паст даражада бўлган сайёраларда ишлаш учун мўлжалланган. У тишли ғилдирак, қовлаш ишлари учун иккита айланувчи чўмич ва тиглар билан жиҳозланган. RASSORнинг юк кўтариш имконияти 18 килограмми ташкил қилади. Ҳаракатланиш тезлиги эса Марсда фаолият олиб бораётган «Кьюриосити» тадқиқот аппаратида тўрт марта ортиқ бўлиши айтиляпти («Кьюриосити» бир сонияда 4 сантиметр масофани босиб ўтиш имкониятига эга).

Марс ёки ой сатҳидан олинган намуналарни робот ўзи билан бирга учурилади-ган тадқиқот лабораториясига олиб келади. Унинг ўзга сайёрада беш йилгача ишлай олиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Ҳозирда RASSOR ерда синавдан ўтказилляпти. Унинг фазога саёҳати қачон бошланиши тўғрисида маълумотлар йўқ.

Буюк Британиянинг жамоат ташкилотлари ҳамда Қироллик соғлиқни сақлаш жамияти газли ичимликлар учун солиқ жорий қилиш таклифи билан чиқмоқда. Бу чора унинг истеъмол қилинишини камайтириб, семиришнинг олдини олишга кўмак беради, деб ҳисоблайди ташаббускорлар.

ГАЗЛИ ИЧИМЛИКЛАР УЧУН СОЛИҚ

Мамлакат аҳолиси ҳар йили 5,73 миллион литр газли ичимлик истеъмол қилишини назарда тутсак, ҳар литр учун 20 пенсдан солинаётган солиқ бюджетга қўшимча бир миллиард фунт стерлинг даромад олиб келиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Бироқ газли ва бошқа алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар уюшмаси мутасаддилари шусиз ҳам ҳозирда ичимлик учун истеъмолчи тўлаётган ҳар 60 пенснинг 10 пенси солиқларга сарфланиши, солиқ солиш ҳеч

қачон касалликни камайтиришга хизмат қилмаслигини айтишляпти.

Шу ўринда ҳар йили мамлакатнинг соғлиқни сақлаш бўйича миллий хизмати асосан ортиқча вазн натижасида келиб чиқадиган касалликларга олти миллиард фунт стерлинг сарфлашини келтириб ўтиш лозим. Мутахассисларнинг фикрича, касалликка қарши кескин чоралар кўрилмаса, 2050 йилга келиб 50 миллиард фунт стерлинг сарфланади.

Кейинги йилларда бир



қатор мамлакатларда соғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланган газли, энергетик ичимликлар, турли печеньелар, шоколад ва ортиқча туздан диган маҳсулотларга солиқлар жорий қилинган. Илк бор бундай ташаббус Данияда қўллаб-қувватланган. Кейинроқ Венгрия, ўтган йили эса Францияда шундай йўл тутилди.

GOOGLE ЯНГИ СМАРТФОН ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

Google компанияси смартфонлар камерасини бир неча фоточақмоқлар билан жиҳозлашни таклиф қилди. Ушбу ёриткичлар камера объективи атрофида доира ҳосил қилиб жойлаштирилади. Улар турли тизимларда, ҳаммаси баравар ва алоҳида-алоҳида ишлатилиши мумкин. Агар тасвирга олинаётган саҳна кўп нур талаб қилмаса, жиҳозларнинг бири, аксинча бўлса, барчаси ишлатилади. Бу тасвирнинг ёрқин бўлиши ва ҳар қандай шароитда суратга олиш имконини беради.




МУЗ ОСТИ КЎЛИ

АҚШлик кутбчилар гуруҳи Антарктидадаги Уилланс муз ости кўлини тадқиқ этишга бел боғлаган. Кўл ичига тушиш учун кутбчилар унинг устини қоплаган 801 метр қалинликдаги музни тешишди.

Гуруҳ аъзолари жанубий кутбдан 643 км узоқликда жойлашган кўлга 13 январда етиб келишганди. Улар ўн кун мобайнида музни тешишга тайёргарлик кўришди. 27 январда тешик ичига сув тўла бошлади. Бу эса вазифанинг биринчи босқичи муваффақиятли бажарилганидан дарак беради.

Яқин кунларда олимлар тешикни кенгайтириш ишларини амалга оширишади. Шундан сўнг кўлга тадқиқот ишлари учун аппаратлар туширилади.

Бугунги кунда Антарктидада 300 дан ортиқ муз ости кўллари мавжудлиги аниқланган. Уларни ўрганиш экстримал шароитларда яшай оладиган микро-организмларни тадқиқ этиш нуктаи назаридан муҳим ҳисобланади. Муз ости кўллари ўрганиш билан Россия ва Буюк британиялик мутахассислар ҳам шугулланишади. Мисол учун, Буюк британияликлар Элсуорт кўлига йўл очишга уринишмоқда. Шунингдек, россиялик мутахассислар шу йилнинг 10 январидан Восток кўлининг суви ва у ердаги микроорганизмлардан намуналар олишга эришишган.



КОСМИК ЭКСКАВАТОР

Американинг NASA космик агентлиги Ой ва Марс сатҳида қазил ишларини олиб борадиган роботни синавдан ўтказмоқда.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ РАКЕТА УЧИРДИ

Россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрланган Жанубий Корейанинг KSLV-I ракетаси орбитага сунъий йўлдошни олиб чиқишга эришди.

Муқаддам ракетанинг учурилиши турли камчиликлар сабабли икки марта кечиктирилган эди. Биринчиси ўтган йилнинг 26 октябрга режалаштирилган бўлиб, ракетанинг биринчи бўғинидаги камчиликлар ва учуш майдонида гелий ёқилгисининг оқиб кетиши натижасида ортга сурилганди.

Иккинчи уриниш эса тушунарсиз сабабларга кўра стартга 17 дақиқа қолганда бекор қилинган.

Интернет хабарлари асосида У. ИБОДИНОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Федерация Кенгашининг етакчи мутахассиси Йўлдошбек Ёдгоровга акаси

Анвар ЁДГОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Келна, бир кулишайлик



ПАРИШОНХОТИРЛИК

Хоналарига кирсам, соатга термулиб ўтирган эканлар, мени кўриб бақириб бердилар.

- Ким чақирди сени? Бирор ишинг борми менда?
- Йўк, — дедим ажабланиб. — Ўзингиз чақиртирган экансиз!
- Хўжайин соатдан кўз узмай ўшқирдилар.
- Чақиртирган эканманми? Ким айтди сенга? Нима деди?
- Ўн дақиқадан кейин ҳисобот билан...
- Қанақа ҳисобот билан?
- Йиллик ҳисобот билан.
- Котибани чақир бу ёққа!..
- Котиба «лип» этиб ичкарилади. Хўжайин ҳали ҳам соатига термулиб ўтирарди.
- Мен бировни чақиринг деганмидим?

Савол котибага оғир ботди.

— Ўзингиз соатга қараб, ўн дақиқадан кейин...

Хўжайин шундагина соатидан кўз узиб:

— Эслатиб ҳам қўймайсиз, — деди котибага қараб. — Ўн дақиқадан буён соатга қараб турибман. Нима учун қараётганимни эса ҳеч эслаёлмайман, денг. Демак, соатга қараб бош ҳисобчини чақиринг, деган эканман-да, а?.. Хўш, менда нима ишларинг бор?..

Илҳом ЗОИР

— Азизим, мен ҳавас қиларлик аёлга ўхшайманми?

— Сен ундан ҳам ортиқсан.

— Хўш, қанча?

— Эллик килоча...



— Менга қаранг, жанжалкаш одам кўшнилари тинчини бузса, уни уйдан кўчириб юбориш мумкинми?

— Сиз ўша жанжалкашнинг кўшнисимисиз?

— Йўк. Мен ўша жанжалкашнинг ўзиман.



Судья:

— Кимда-ким яна шовкин кўтарадиган бўлса, кўчага ҳайдаб юбораман.

Айбланувчи:

— Ура-а-а!



Эрталабки йўклама. Лейтенант аскарларнинг фамилияларини ўқимокда:

— Борисов.

— Мен.

— Журавлёв.

— Мен.

— Уч минг ўттиз.

Сафдан норози оҳангдаги овоз эшитилди:

— Ўртоқ лейтенант, ахир менинг фамилиям уч минг ўттиз эмас, Зозо-ку!



Кафеда:

— Официант, сиз менга бир оёқли товук келтирдингиз!

Официант:

— Нима, сиз уни валсга таклиф қилмоқчимисиз?..



Газетанинг навбатдаги сони 5 феврал сешанба куни чиқади

— Нима деб ўйлайсиз, нега темир йўлдагига қараганда машина йўлларига авариялар кўпроқ?

— Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, ҳеч қайси паровоз иккинчи паровозни қувиб ўтмайди. Иккинчидан, паровоз ҳайдовчининг ўт ёқувчи билан ўпишганини сира кўрганмисиз?

Дада, литр нима дегани?

— Худди метрга ўхшаш, аммо суяқ ҳолатда.

Улфатлар қадаҳ уриштирамоқда:

— Федянинг топшириши учун ичайлик!

— Федянинг ҳаммасини топшириши учун олайлик!

Эшикда Федя пайдо бўлди.

— Топширдимми?

— Топширдим.

— Қанчасини?

— Тўрттасини.


— Нега?

— Битта шишанинг оғзи синиқ экан.

Барда икки киши пиво ичиб ўтирарди.

Бири хаёл суриб дебди:

— Хотиним бир кружка пиво ичиб, соат 10 да кел, деганмиди ёки 10 кружка пиво ичиб, соат 1 да кел, деганмиди. Ҳеч эслай олмаётиман...



— Кайфим бир меъерга етганини қандай аниқлайман, биласанми?

— Йўк.

— Хотиним ўзимга ёқа бошлайди.

Кечқурун хушёрхонада телефон жиринглабди.


— Айтинг-чи, сизларга бугун Никифорни олиб келишмадими?

— Йўк.

— Олиб келишмайди ҳам, бугун мен уйда отяпман..



Рассом :Хусан СОДИКОВ



Муассис:

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi


Баш муҳаррир:

Abdusoliq Abdurazzoqov

Тahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va anbot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2013-5002



Газета оғнат усулида, А-3 форматда босилди. Норми 4-босма табоғ.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00; Qashqadaryo +998 91 467-30-01.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:

133

Газета haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Setuyda erkin darada.

Navbatchi muharrir:

B. Rizayev

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhib:

S. Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 22.55 E-mail: ishonch2012@gmail.com

Газета «Ishonch» kompyuter markasida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: N. Abdurajabov

«Baqar» nashriyot-matbaa kompaniyasi kompaniyasida bosmaxonashda chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turan» ko'chasi, 41-uy.